

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 633.88

Джумаев Санжар Эгамбердиевч

**“доривор зайтун ўсимлигини аҳамияти ва уни етиштириш
агротехнологияси”**

**5A410203 - “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш
технологияси” мутахассислиги**

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий рахбар :

Илмий рахбар:

«Дех ончилик ва мелиорация асослари»

кафедраси, профессори, Россия табиий

фанлар академиясининг академиги.

С.А.Азимбоев.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I боб.	АДАБИЁТЛА РЎЙХАТИ	6
II боб.	СУРХОНДАРЁ ШЕРОБОД ВОХАСИНИНГ ТАБИЙ ШАРОИТЛАРИ	16
		
2.1	Вилоят ва унинг тупроқ-иқлим зоналари тўғрисида умумий маълумотлар	16
		
2.2	Сурхондарё вилояти иқлим шароити	28
2.3	Зайтун ўсимлигининг иқлим шароитлари	27
III боб	ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ ОБЪЕКТИ ВА БАЖАРИШ УСУЛЛАРИ	31
IV боб	АСОСИЙ ҚИСМ	33
4.1	Зайтуннинг морфологик белгилари	33
		
4.2	Доривор Зайтун ўсимлигини етиштириш агротехнологияси...	36
4.3	Зайтун меваси ва баргининг шифобахшлик хусусиятларит.....	58
4.4	Зайтун мойининг шифобахшлик қиймати	59
4.5	Зайтун навлари	68
4.6	Сурхондарё вилоятида Зайтун ўсимлиги етиштирилаётган майдонлар	70
	ХУЛОСАЛАР	72

КИРИШ

Президентмизнинг 2006 йил 14 июлда қабул қилинган “Маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қуватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ўсимлик хом ашёсидан таёрланаётган доривор озика ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, мамлакатимиз бозорини аҳоли талаб ва эҳтиёжларига мос, табиий ва самарали доривор озуқа билан тўлдиришга хизмат қилаётир. [1]

Республика аҳолисининг кўпайиб бориши, қишлоқ хўжалик мутахассислари олдига озиқ-овқат маҳсулотларини кўплаб етиштириш вазифасини қўйди.

Инсоният учун энг зарур маҳсулотлардан бири ўсимлик мойидир, чунки бир кунда 2-3 марта ўсимлик мойидан фойдаланишга тўғри келади. Ўсимлик мойи энг кўп сарфланадиган маҳсулотлар турига киради. Ривожланган мамлакатларда одамлар имкони борича соғлиқ учун зарарсиз, холестеринсиз мой ва ёғни истеъмол қилишни афзал билишади. Холестерин кўпайиб кетса инсон соғлиғига зарар келтиради ва турли касалликларни келтириб чиқаради. Холестерин ҳайвонлардан олинадиган мой ва бошқа маҳсулотларда юқори даражада бўлади. Айниқса гўшт ва думба ёғлари кўп холестерин сақлайди.

Аслида ўсимлик мойида холистерин миқдори жуда кам бўлади, бори ҳам инсон организми учун зарур ҳисобланади. Германияда жон бошига 22, АҚШда 20, Англияда 19, Россияда 12 кг ўсимлик мойи ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда эса жон бошига 10 кг атрофида ўсимлик мойи ишлаб чиқарилади. Бизда ишлаб чиқариладиган ўсимлик мойи миқдорини жон бошига ошириш учун уруғларида мой сақловчи ўсимликлар майдонини

кўпайтиришимиз керак.

Уруғида мой сақловчи ўсимликлар зиғир, кунжут ва махсар жуда қадимдан бизнинг иқлими иссиқ ҳудудларда ўстириб келинган. Кейинчалик улар қаторига соя, ер ёнғоқ, кунгабоқар, рапс ва бошқа мойли ўсимликлар кириб келди. Бу экинлар у ёки бу вилоятларда экилиб мой олина бошланди. Ҳозир кунда Ўзбекистонда асосий мой берувчи хом ашё сифатида ғўза чигитидан фойдаланилади, аслида ғўзани толаси учун экамиз, лекин унинг уруғларида мой бор. Шунга айтиш керакки, бир пайтлари ғўза чигити таркибида 17-18% мой сақлаган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 11-12%га тушиб қолди. Республикада тўпланган чигитни мавжуд мой заводлари узлуксиз ишласа, 5-6 ойда қайта ишлаб бўлади, кейин мой заводлари ўзлари учун хом ашё ишлашга мажбур бўлади. Шунингдек, яратилаётган ғўза навларида барча эътибор тола сифатини яхшилашга қаратилган. Чигит таркибидаги мой ва унинг сифат кўрсаткичлари иккинчи ўринда қолиб кетади. Аслида ғўза толаси учун етиштирилади, шунинг учун ҳар бир селекционер ўз олдига сифатли тола берувчи ҳосилдор нав яратишни мақсад қилиб қўяди, чунки чигитдан олинган мой жаҳон бозорида сифатли ўсимлик мойи деб тан олинмайди.

Зайтун мойи дунёда асосан озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш жараёнида энг кўп миқдорда ишлатилади, шу билан бир қаторда дори-дармонлар тайёрлашда кўпгина касалликларни даволашда фойдаланилган. Бугун ҳам табиётда оддий табиблардан тортиб, ривожланган илмий медицинада ҳам қўлланиб келинмоқда ва катта самара бермоқда.

Зайтун мойи энг қимматбаҳо косметика маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланилади. Чунки зайтун мойи аралашган упа терини юмшоқ сақлаши, ажинлар туширмаслиги, қуритиб юбормаслиги билан маълумдир. Айрим ёши катта кишилар лексикасида «Ироқи совун» деган сўз қолган, ҳақиқатан ҳам қадимдан Ироқдан фақат аёллар учун келтирилган совунларни «ироқи совун» дейишган. У совунлар зайтун мойи асосида тайёрланган бугунги

кунда ҳам шундай совунларнинг пештахталарда туришини истардик.

Бугунги кунда зайтун мойи топилади, аммо унинг нархи жуда қиммат. Испаниядан келтирилган биринчи сиқишда олинган мойларнинг нархи 40-45 минг сўм, учинчи сиқишдан олинган мойлар Туркиядан келтирилган бўлиб мойларнинг бир литри 25 минг сўм. Бу нархдаги мойни ҳар ким ҳам ололмайди шунинг учун зайтуннинг ўзимизда етиштирсак мой арзон бўлади.

Республикада аҳоли сонининг 2020 йилга бориб 35 млн га етиши кўзда тутилмоқда, ана шуларни ҳисобга олиб, пахта ва буғдой экиб бўлмайдиган майдонлар ва шартли суғориладиган ҳудудлар ва лалми майдонларидан фойдаланишни йўлга қўйиш зарур. Мана шундай майдонларда зайтун экиб, кўкартириб олинса, 5- 6 йилда унинг илдизлари тупроқдаги энг кам бўлган намни ўзлаштириб олиш имконига эга бўлади.

Инсон ўз ҳайти жараёнида ҳар куни ўсимлик мойидан фойдаланади, шунинг учун унинг таркибида зарарли моддалар бўлмаслигини ва етиштириш харажатлари арзон бўлишини хоҳлайди.[6]

Илмий ишнинг мақсади

Тадқиқотнинг асосий мақсади-доривор зайтун ўсимлигини лабаротория ва дала шароитида етиштириш агротехнологиясини ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- 1. Зайтун доривор ўсимлигини мойи ва бағларини фармацевтикада моҳиятини аниқлаш
- 2. Зайтун доривор ўсимлигини темпиратура сув минерал ўғитларга боғланган холда лобаратория технологияларини ўрганиш, ва етиштириш

3. Зайтун доривор ўсимлигини лобаратория шароитида ўстириш технологияларини ўрганиш.

4. Зайтун доривор ўсимлигини дала шароитида шароитида ўстириш технологияларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети

Тадқиқотни бажариш объекти Тош ДАУ “Деҳқончилик ва мелиорация асослари” кафедрасида ўрганиладиган доривор зайтун ўсимлигини етиштириш технологиялари.

Тадқиқот услубияти ва усуллари

Тадқиқот олиб боришда қуйидаги услублардан фойдаланилди:

Методика вегитационных опытов с хлопчатником

Дала тажриба ўтказиш услублари ва методи микробиологический исследований и опредизатсия микроэлементов лардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилик даражаси.

Тадқиқотда биринчи марта доривор зайтун ўсимлигини кўпайтириш яъни вегитатив органларидан ва уруғидан экиб кўчат тайёрлаш усуллари ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ва тадбиғи

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки доривор зайтун ўсимлигини вегитатив органидан қаламчасидан кўпайтирилган ўсимликларни махсус субстрат (тупроқ 80% кум 10 % гўнг 10%) да бутун ўсув даври давомида ўстириш, уларнинг меъёрида ўсиши ва ривожланишини таъминлади.

Диссертация ишининг тузилиши ва таркиби.

Диссертациянинг умумий ажми 73 бет бўлиб, 4 та бобдан ва 13 та бўлимдан, 8 жадвалдан ва 13 раомдан амда 4 диаграммадан иборат. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 42 шундан 11 таси интернет маълумотлари.

I. АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ

Зайтун (Olea еигораеа), (маслина ёки олива) мойли ўсимликлар гуруҳига киради. Зайтун мевалари энг сифатли, ҳазм бўлиш хусусияти жуда юкори, таркибида инсон организми учун зарарли моддалар бўлмаган шифобахш мой беради.[20]

Зайтун мойи истеъмол мойи сифатида таъмининг хушбуйлиги, дориворлиги билан биринчи ўринни эгаллайди. Бу мой шифобахш камфора ва витаминли эритмалар, турли хил хушбуй ҳидли атир-упалар тайёрлашда ишлатилади. Зайтун ер шарига энг қадимги мойли экинлардан биридир. Ривоятларга кўра (Грецияда), ерни сув босгандан сўнг тошқиндан омон қолган одамларга каптарлар тумшукларида зайтун новдаларини келтириб беришган. Улар бу новдаларни экиб, ўстиришган, ҳосилга киргач, экиб меваларидан мой ва овқат тайёрлашган. Зайтун мевалари таркибида 30-35% мой бор. Бу ўсимлик ер шарининг субтропик мамлакатларида кенг тарқалган. [21] Зайтун дарахтини эрамизгача Колумелла, Плиний ва Катон сифатли мой ва ажойиб мева бергани учун «энг биринчи дарахт» деб аташган. Қадимда греклар зайтунни нафақат кўркам дарахт, балки озиқ-овқат ҳисоблашган. Грек тарихчиси Геродотнинг ёзувларига қараганда, Афинада форслар томонидан «зайтун-муқаддас дарахт» ёкиб юборилган, лекин бир қанча вақт ўтмай илдизлардан яна янги поялар чиқа бошлаган. Милоддан аввалги V асрда яшаган буюк файласуф Платон ўз шогирдлари билан мана шу дарахтнинг остида суҳбатлашган экан.[27] Турнефор Жозеф Питон де (1656-1708) француз ботаниги

зайтунни биринчи бўлиб ўсимликлар жадвалига киртган. Швед табиатшуноси, ўсимликлар ва ҳайвонлар систематикасини яратган олим Карл Линней «Ботаника фалсафаси» помли асарида зайтун дарахтининг ажойиб меваси ҳақида сўз юритган. Милودдан аввалги VI аср бошларида зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да Хоразм мамлакатларида олма, нок, зайтун, хурмо ва бошқа дарахтлар ўсарди деган ёзувлар мавжуд. Буюк табиб ва шифокор Абу Али Ибн Сино ўзининг машҳур «Тиб қонуплари» асарида зайтун мойининг шифобахшлиги тўғрисида кўп ёзган.[26]

XV асрда яшаб, ижод қилган Ал-Хоразмий ўзининг кичик асарида зайтун ва ток парваришини таъкидлаган. Лекин ўстириш ва парвариш ишлари қаерда (Хоразмда-ми, Ироқда-ми ёки Афғонистонда-ми) олиб борилиши ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Зайтун минг йиллар олдин маданийлаштирилган. [17] Мисрликларнинг қадимги ёзувларида, идиш-товоқларда ва кўзаларда зайтунни расмларини учратиш мумкин. Улар зайтунни адолат белгиси деб билган. Тутанхамон бошига зайтун шохчаларидан гулчамбар тақиб юрган, бу донишмандлик ва етуклик белгисини билдирар эди. Марказий Осиё минтақасида зайтун ўсимлиги IX-X асрларда экилиб ўстирилган, аммо кейинчалик бир йиллик мойли экин майдонлари кўпайиши натижасида зайтун ўсимлигидан деҳқончиликда фойдаланилмаган.[25]

Зайтун дарахтини уруғидан ва кўчатлар орқали экишлари натижасида зайтун дарахти Грециядан Ўрта ер денгизи томон кенгайди. Кейинчалик эса зайтун Сурияга ва Фаластин томон кўпайтирила бошланди. Рим императорлари дарахтларни кенг майдонларда экишлари натижасида — бутун Шимолий Африкада плантациялар барпо этилди. Денгиздан Лотин Америкасига келадиган барча кема капитанларига зайтун кўчатлари олиб келиш буйруғи берилганди. Шундай қилиб,

XVIасрда зайтун Атлантикадан ўтиб Мексика, Перу, Чили ва Аргентина томон кенгайиб кетди.[1]

Зайтун ўсимлигини Ватани Ўрта Ер денгизи мамлакатлари, аниқроғи Сирия бўлиб, шу ердан бутун ер юзи бўйлаб тарқалган. Бу ўсимлик 45°С кенгликда ва 37°С жанубий кенгликдаги барча Европа мамлакатларида экилади.

Зайтун Испания, Италия, Португалия, Греция, Тунис, Марокко, Сирия, Исроилда энг кўп майдонларга экилади, қисман Грузия ва Озарбайжонда ҳам етиштирилади. Ўрта Осиёда, Туркменистонда 1938-1940 йилларда зайтунзорлар ташкил этилган, аммо эътиборсизлик туфайли улар қаровсиз қолиб, йўқолиб кетган. Ҳозирги кунда энг кўп зайтун экиладиган мамлакатларга Греция, Италия, Испания, Палестин, Туркия, Мексика, Австралия ва бошқалар ҳисобланади.[20]

Зайтун дарахти меваларидан мой олиш ва консерваланда фойдаланилади. Ер юзининг барча ривожланган мамлакатларида зайтун мойи ва консервасига талаб жуда катта. Зайтун дарахтидан мебеллар тайёрланади, мойи ажратиб олингандан кейин кунжараси чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади.[16]

1970 йилда матбуотда илмий текширишларнинг натижаси чоп этилди, аниқланишича Ўрта Ер денгизи мамлакатларида яшайдиган халқларда юрак-қон томир касалликлари деярли кам учрашининг сабаби, аҳолининг асосан зайтун мойини истеъмол қилишидадир. Зайтун мойи таркибида тўйинмаган ёғ кислоталари - олеин (75%), линол (13%) ва линолендан (0,55%) ташкил топган бўлиб, бу моддалар организмда холестерин даражасини камайтиради. Зайтун мойи таркибида витаминлар А, Д, К, Е, F ва полифеноллар мавжуд. Бу моддалар атеросклероз, саратон (рак) касалликларини камайтиради ва ҳужайраларнинг қариш жараёнини кечиктириб тери қаватини тиклайди. Зайтун мевасида (лабораторияда) 25дан 80%гача мой, баргларида 0,04% эфир мойлари бўлади.[19]

Зайтуннинг яшил (пишмаган) мевалари таркибида углеводлар, оксиллар, пектин, кул моддалар, сапонинлар, калий, фосфор, темир тузлари, В ва С витаминлари ҳамда каротин мавжуд. Буларнинг барчаси ошқозон-ичак ва жигар ишини яхшилайди. Бу меванинг мойидаги ёғ клетчаткаси организм томонидан яхши ўзлаштирилади, ошқозондаги кислота концентрациясини пасайтиради ва ошқозон яраси ҳамда гастритдан ҳимоя қилади.

Зайтун мойи ичаклар, ошқозон ости беzi ва жигар ишини яхшилайди ҳамда ўт ҳалтасида тошлар пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Кальцийнинг шиддат билан сўрилиши суякларнинг ўсишини кучайтиради, қон босимини яхшилайди, кўкрак безлари, тухумдонлар ва йўғон ичак саратони каби касалликларга қарши курашади. Бу ўсимлик мевасини радиацияга қарши профилактик восита сифатида астронавтларнинг овқат рационига киритилган Зайтун мойи эркин радикалларни нобуд қилади ва организмни гиалурон кислотаси билан таъминлайди. Мойининг таркибидаги сквален бор, сквалем моддасининг ягона манбаси ҳисобланади ҳамда диабетга қарши профилактик чора бўлиб қондаги глюкоза миқдорини 12% гача туширади.[24]

Ошқозон-ичак шамоллашларига, кимёвий суяқликлар билан заҳарланганда ёки куйганда ҳамда турли арилар ва бошқа ҳашаротлар чакқанда зайтун мойини суриб қўйиш керак. Мутахассисларнинг фикрича зайтун таркибида юзга яқин биологик активмоддалар бор.

Баргларида органик кислоталар, фитостерин, олейропеин гликозидлари, мум, флавоноидлар, эленолид лактон, аччиқ ва ошловчи моддалар, эфир мойлари бўлиб, унинг таркибига эфирлар, феноллар, камфен, эвгенол, цинеол, цитрал ва сипртлар кирази. Барглар таркибида гликозидлар, органик кислоталар, флавоноидлар ва танинлар бўлади. Баргларидан тайёрлаган дамламалар гипертоник касалликларига, атеросклерозга ва семиришга қарши профилактик воситадир.

Зайтун дарахти мелиорант ўсимлик бўлиб, тоғ ва тоғ олди худудларида экиш мумкин. У тупрокни сел ювилиши, эрозия, ёғингарчиликдан сақлайди ва мустаҳкамлайди. Дарахтнинг ажойиб хусусиятларидан бири унинг узок умр кўриши ва мустаҳкам бақувват илдизга эга бўлиб тупроқ кўчишига йўл қўймаслигидир.[20]

Зайтун ўсимлиги зайтундошлар (Oleaceae) оиласига мансуб бўлиб, ўзининг форма ва габитуси билан бошқа ўсимликлардан фарқланади. Бу субтропик ўсимликлар каторига киради ва Ўзбекистон Республикасида биринчи мартаба интродукция қилинмоқда. А.М. Балаурова ёзишича Тропик ва субтропик ўсимликларни Ўзбекистонда интродукция қилиш XVIII асрнинг охирида бошланган. Ўзбекистонда биринчи интродуктор ЎзРФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти (САГУ Ботаника боғи) нинг илмий ходими П.К.Озолин эди. Унинг фаолияти туфайли боғ коллекцияси тропик ва субтропик ўсимликлар: непентеслар, орхидеялар, бромелиевалар, папоротниклар, палмалар ва бошқа турлар билан тўлди.[23] Субтропик ўсимликлар каторига анор, анжир, хурмо, бодом, фейоха, чилонжийда кабилар кириб, булар ўтган асрнинг 1948-1950 йилларда интродукция қилинган (Н.И.Вавилов 1940, 1965, В.В.Кузнецов, 1949). И.В.Белолипов. Ботаника боғида 1980 йилларда хилма-хил палмалар интродукция қилинди. Н.М.Кармнышина (2009) маълумотларига қараганда коллекцияда 15 та туркум ва унинг ичида 20 дан ортиқ тур борлиги аниқланди.

Тропик ва субтропикда тарқалган бу ўсимлик оранжереяда яхши ўсиб бормоқда. Пальмалар ёруғсевар ўсимлик бўлиб буларда бир вақтнинг ўзида ҳам вегетатив ўсиш ва гуллаш тўғри келади.[20] Интродукция қилинган ўсимликларнинг ҳаётчанлигини белгилайдиган кўрсаткичлардан бири бу ўсимликларнинг мунтазам мева ва уруғ беришидир. Субтропик зонада иқлим қуйидагича: совуқ ойларда ўртача ҳарорат +12°C, лекин 0°C дан юқори; ўртача йиллик ҳарорат +12°C дан юқори; мутлоқ минимум -20°C дан паст эмас; ўртача мутлоқ минимум -10°Cдан паст бўлмаслиги керак (Н.П.Алексеев,1960). Нам ва

куруқ субтропикларни бир-биридан ажратадиган критерий бу тушадиган ёғин миқдоридир. Йиллик ёғин суммаси 30 смдан кам бўлса, куруқ субтропик ўсимликлар ва агар йиллик йиғинди 100 смдан юқори бўлса намсевар ўсимликлар ривожланади (Демидов, 1980). Г.Вальтер (1968) бутун дунё иқлим зоналарини 9 тага бўлиб шундан 4 тасини тропик ва субтропикка ажратди.

Учламчи даврда Урта Осиё худудида Ўрта ер денгизи флораси ҳукмрон бўлиб, у қуриб бораётган Тетис денгизи ўрнида, тропик ва бореал иқлимга мансуб флоранинг туташ жойида ҳосил бўлган. Ўрта Осиё флорасида бодом, анжир, анор, қатранғи ва мурч каби субтропик ўсимликларни сақлаб қолганлиги бу флоранинг Ўртаер денгизи флораси билан тарихан яқинлигини билдиради. Ушбу фикрни дастлаб М.Г.Попов (1927) илгари сурган эди. У кейинги тадқиқотларида "Қадим ўртаер денгизи флористик области" тушунчасини киритди ва худудларини белгилаб берди. [22] Кейинчалик Е.В.Вульф (1944) ғояни илгари сурди ва мазкур флористик областга ғарбда ғарбий Африка қирғоқлари, Периния ярим ороллари, шарқда Марказий Тяньшаньгача бўлган худуд, жумладан, Қрим тоғлари, Кавказорти республикалари ва Осиёнинг жанубий районларини киритган. А.М.Кормилицун (1971), Р.Бабажанов (1999), ҳам ушбу фикрни тасдиқлаб, Қадим Ўртаер денгизи флористик областига Урта Осиёнинг фақат жанубий районларини киритиш мумкинлигини таъкидлайди. В.И.Затрягаева (1986) флористик областни Ҳиндиқуш тоғидан ғарбий Ҳимо-лайгача, шарқда Атлас тоғлари, ғарбда эса Шимолий Американинг Сьерре-Невада тоғларигача чўзилган, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон жанубида энг иссиқ жой Сурхондарё вилоятининг Шеробод райони ҳисобланади. Бу ерда абсолют минимум - 20°C га тенг. Кейинги ўринда Денов (абсолют минимум - 23°C). Шеробод ва Денов ҳамда улар орасида жойлашган Жарқўрғон, Қумқўрғон, Олтинсой, Шўрчи ва Қизирик районлари, Тожикистон томонидан эса Сариосиё ва Узун районлари, куруқ субтропик иқлимга мансуб зонада жойлашган. Л.Ҳ.Ёзиев (2002) ёзишича, иқлимлаштирилган 500 турга мансуб дарахт ва

буталарнинг 224 таси иқлимлашган ва бу иқлим шароитига мослашганини кўрсатди. Шундай қилиб Жанубий Ўзбекистон кўплаб субтропик ўсимликларни иқлимлаштириш учун ўзига хос культиген ареал ҳисобланади. Шу жумладан, қарийб бир асрлик интродукция тажрибаси Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари Қадим Ўрта ер денгизи флористик областига киради, деган фикрни тасдиқлайди.

Зайтун ўсимлиги зайтундошлар оиласига мансуб, ўсув даври узок бўлиб, қулай об-ҳаво шароитида ўсимлик 1000 йилгача умр кўради. Кўпинча 200-300 йил яшайди. Илдизлари попуқ илдиз бўлиб, бўйининг баландлиги 8-10м гача етади, айрим турлари 4-6м баландликда ўсади. Кўп шохлайди. Барглари қарама-қарши жойлашган, шакли чўзинчоқ, овалсимон ёки ланцетсимон, учи ўткирлашган, қалин терисимон кўринишда, устки томони патли, остки томони қумушсимон тўқ яшил. Гуллари икки жинсли бўлиб, майда, оқиш рангда, барг қўлтиғида рўваксимон шингил кўринишида бўлиб, бир шингилида 8-42 тагача гул жойлашган. Гул тожи барги 4 та, оталиклари 2 та, оналик тугунчаси устки битта уруғкуртак бўлиб, дарахт апрел охири май ойида гуллайди, баъзан май-июнда ҳам гуллаши мумкин. [18]

Меваси- данакли бўлиб, узунчоқ овалсимон шаклдан думалоқ кўринишигача бўлади, бир дона мевасининг оғирлиги 12-18г келади, этли мағизларида 50-80% мой бўлади (қуруқ ҳолда). Меваси пишгандан сўнг тўқ бинафша, қорамтир тусда бўлиб, усти мумсимон ғубор билан қопланган.

Данаги чўзинчоқ бўлиб, пўсти жуда қаттиқ. Мевалари октябрь ойларида пишиб етилади. Аммо зайтуннинг ҳўл мевалари истеъмолга ярамайди, чунки таркибида олеуропен глюкозидлари мавжуд, фақатгина меваларини тузлаб ёки маринадлаб қайта ишлаш йўли билан истеъмол қилинади. Думалоқ мевалари кўпроқ истеъмол қилинади.

Тажрибалардан маълумки Д.Ёрматова ёзишича, зайтун ўсимлиги мевасининг таркибида мой ҳосил бўлиш жараёни ўсимликнинг ривожланиш фазалари билан

боғлиқ ҳолда ривожланади. Мева тугунлари ҳосил бўлиши билан ҳужайрада мой ҳосил бўлиш бошланади. Масалан, зайтун меваларида июн ойида мой миқдори 1,40% бўлса, октябр ойида пишиб етилганда 70-75% ошади. Июл ва август ойларида мой ҳосил бўлиш жараёни активлашади. Баъзан нав хусусияти ҳам бу кўрсаткичга таъсир этади.[19]

Зайтун дарахти иссиққа талабчан, қулай об-ҳаво шароитида йил бўйи ям-яшил бўлиб ўсади. Тупроқ иқлим шароитига қараб қишда тиним даврини ўтаб ривожланадиган навлари мавжуд. Зайтун экиладиган асосий мамлакатларда тиним даврини ўтайди. Фойдали ҳарорат йиғиндиси 3,5-4,0 минг °C бўлган ҳароратда яхши ўсиб ривожланади.

Проффесор А. Селянинов (1934) маълумотига кўра зайтун паст ҳавога ҳам чидамли бўлиб -10 -13°C; И. Жигаревич (1949) ва А. Ревкин (1928) ёзишича -17 -18°C паст ҳароратга бардош беради. Совуқҳарорат -20 -21°C бўлганда нобуд бўлади. Аммо бундан ҳам паст ҳароратга чидамли навлар мавжуд.

Намга талабчан бўлиб, йил бўйи ёғин бўладиган мамлакатларда яхши ривожланади. Агар йиллик ёғин миқдори 180-200мм бўлса, бундай жойларда албатта суғориш йўли билан микроклимат ҳосил ёки 6-7 марта суғорилади, намлик ўта юқори бўлса ҳам, касалликлари кўпайиб кетади.

Зайтун тупроққа талабчан эмас, барча тупроқларда ўсади, аммо енгил қумлоқ тупроқларни хуш кўрмайди, оғир, соз ва ер ости сувлари яқин тупроқлар зайтун дарахти учун яроқсиз ҳисобланади.

Бу ўсимлик тошли жойларга, тоғ олди зоналарига экиш мумкин, бута ва дарахт кўринишида яхши ўсади.

Ёруғликни хуш кўради, қуёш яхши тегадиган майдонларда экин яхши натижа беради.

Бу ўсимлик уруғларидан, қаламчаларидан, бачкилар ва пайванд йўли билан кўпайтирилади. Экишга ажратилган меваларнинг эти ёки мағзи қушларга едирилади ёки сувга ивитиб қўйилиб, кейин уруғ ажратиб олинади. Қушлар чўқиб ташлаб кетган мевалардан кўкарган новдалари баққуват бўлиб ўсади. Экилган уруғлар иккинчи йилда ниш уриб чиқади. Илдизлари жуда кўп бачки беради, уларни алоҳида ажратиб питомникларга экилади. Уруғлари тупроққа экилганда жуда кеч униб чиқади. Шунинг учун уларни намли қумларда экиб кўпайтириб, кейин экиш лозим. Уруғлардан экилган зайтун 10-12 йилдан бошлаб мева беради. Новдаларидан 20-25 см қаламчалар тайёрлаб, улар орқали ҳам кўпайтирилади. Пайванд қилиш энг яхши натижа беради ёки ҳосилга кириш тезлашади, бу вақтда иккинчи йили мева беради. Манбаларда кўрсатишича, куртак пайванд апрел-май ойида ўтказилади. Новда пайванд кузда қилинганлиги маъқулдир. Бу мева ҳосил беришини тезлаштиради. Қаламча ва бачкилардан еса 4-5 йилда мева беради. Ўзбекистон шароитида 3-4 йилда зайтун мевалари ҳосил бўлди.

Зайтун дарахтини денгиз сатҳидан 950-1200 м. бўлган баландликкача экиш мумкин. Зайтун дарахтини экиш мевали дарахтларга ўхшаб экилади. Одатда қатта майдонларда экиладиган навнинг хусусиятларидан, бўйининг баландлигидан келиб чиқади.[14]Текис жойларда 5х5, 10х10 тўғри қаторлаб ёки шахмат усулида экиш мумкин. Экишдан олдин тупроқни яхишлаб ўғитлар бериб тайёрланади. Тупроққа минерал ўғитлар бериш ҳосилдорликни бир неча баробарга ошади. Азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар ва гўнг берилади.

Биринчи ва иккинчи йили дарахтлар орасига буғдой, Соя, маккажўхори, хатто узум, тут экиш ҳам ижобий натижа беради.

Ўсиш жараёнларида қатта плантацияларда албатта дарахларга шакл берилади,

бўйининг баландлиги 1,5 м. бўлгандан бошлаб шакл берилади. Катта майдонда ҳосилни йиғиш, шакл берилган боғларда унумли бўлади.

Кўпгина мамлакатларда зайтун эркин ҳолларда ўсади ва ҳосил беради. Европа мамлакатлари дарахтни паст бўйли қилиб ўстиради, Ўрта ер денгизи мамлакатларида эса, зайтун баланд бўйли бўлиб ўсади.[15]

Зайтун дарахти ташқи ноқулай шароитларга ўта чидамли бўлиб, баъзан танасида озгина пўсти тирик бўлса, шу жойдан новда ҳосил қилиб мева беради. Ҳамма жойда ўса олувчи экин ҳисобланади.

Зайтуннинг энг яхши хусусияти у ўсиш учун жой, тупроқ танламайди.

Зайтун зараркунандаларига зайтун куяси (*Prayz oleo1lis*), зайтун курти (*Saissetia oleae*) ва зайтун баргининг бургаси (*Euphylliga olivina*), зайтун новдаларини кемирувчи қўнғиз (*Phoeotribus oleae*), зайтун мевасида паразитлик қиладиган чивин капалаги (*Dacis oleae*) ва касалликлари *Cyc1oolivina*, *Gloeosporium olvagam* (И.Екимов, 1947).

Мевалари октябрда пишиб етилади. Зайтун дарахтида шу нарса диққатга сазоворки, мевалар ўзи пишиб тушганда, улар таркибида мой миқдори энг юқори бўлади. Пишган меваларда мой 50-80%, хом меваларда 25-40% бўлади.

Зайтун мевалари яхши пишганда уларда мой миқдори ошади, шунинг учун уларни йиғиштириб олишга шошмаслик керак.

Зайтун меваларини сиқиш (пресслаш) йўли билан мой олинади ва биринчи олинган мойлар энг яхши мой ҳисобланади, бу мой медицинада, парфюмерияда ва озиқ-овқатга ишлатилади. Кунжарасидан иккинчи марта сиқиш йўли билан олинган мойлар иккинчи нав ҳисобланиб, озиқ-овқат саноатида фойдаланилади.[7] Маълумки, иккинчи прессдан сўнг кунжарада яна 10-15% мой қолади. Бу мойни ажратиб олиб техник

мақсадларда совун, олиф, бўёқ олишда ишлатилади.

Шунингдек, зайтун мевалари тузланиб, маринадлаб фойдаланилади, бунинг учун мевалар консервалашда хом ёки тўлиқпишган мевалар олинади, таркибидаги ишқор кетгунча содали сувга солинади ва ҳар 4-5 кунда сувини алмаштириб турилади. Мевалар яхши тўйинганда тузли сувга солиб бочкаларга бостирилади. Маринадлашда хом мевалар ишлатилади.[6]

II. БОБ. СУРХОНДАРЁ ШЕРОБОД ВОХАСИНИНГ ТАБИЙ ШАРОИТЛАРИ.

II.1. *Вилоят ва унинг тупроқ-иқлим зоналари тўғрисида умумий маълумотлар.*

Кейинги йилларда Сурхондарё вилоятининг кўпчилик туманларида хўжаликлараро ва хўжалик ички суғориш тармоқларини қайта қуриш ва таъмирлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди, бир қанча йирик сув омборлари қурилиб сув таъминоти яхшиланди, хўжаликлар ички ва бетон каналлар узайтирилди, маълум майдонлардаги ботқоқ ерлар қуритилди, дехқончилик маданияти ривожланди, вилоятда тупроқ ва гидрогеологик тадқиқотлар амалга оширилди[4] Олиб борилган ижобий ишлари билан бир қаторда, суғориладиган майдонларда дегарадацион жараёнлар, жумладан тупроқда туз тўланиш ва иккиламчи шўрланиш ҳолатлари содир бўлди, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги пасайди. Бу салбий ўзгаришлар ўз навбатида вилоят ерларининг мелиоратив-экологик ҳолатини даврий равишда атрофлича ўрганиш вазифасини келтириб чиқарди.

Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг энг жанубий қисмида жойлашган. Бўлиб, шимолий ғарбида Қашқадарё вилояти, жанубий-ғарбида Туркменистон республикаси, шарқида Тожикистон республикаси, жанубида эса Амударё билан чегараланади. Вилоятнинг умумий ер фонди 2009,9 минг гектарни, шундан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган қисми 1177,1 минг гектарни, шу жумладан қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар, яъни суғориладиган майдонлар 326,6 минг гектарни, шундан экин майдонлари 281,5 минг гектарни ташкил этгани ҳолда, вилоят умумий ер фондининг 14 фоизига тўғри келади.[8]

Суғориладиган зона вилоятнинг текислик ва тоғ олди қисмларида жойлашган бўлиб, тахминан 500 минг гектар майдонларни ишғол қилади, шундан 281,5 минг гектари хайдаладиган экин майдонлардан иборат бўлиб, қолган майдонларни шартли суғориладиган, қўриқ ва партов ерлар ташкил этади.[3] Вилоятнинг суғориладиган ерлари қисми иккита алохида – Сурхон дарёси ва Шерободдарё водийларидан иборат бўлиб, уларни унча баланд бўлмаган кўтарилма – Хаудагтоғ сув айиргичи ажратиб туради. Сурхон дарёси водийсининг шимолий қисми (Сариосиё, Денов, Узун туманлари), унинг ғарбий қисмидан кўндаланг йўналишда кесиб ўтган Тўпаланг, Сангардак, Хожайпак конус ёйилмаларининг тупроқларидан механик таркибининг енгиллиги ва ҳаво хароратининг пастлиги билан сезиларли даражада фарқланади.

Мазкур конус ёйилмалари ётқизиклари паст баланд (ўнқир-чўнқир) кесишган қум-шағал ётқизикларининг устини қоплаган қумоқ, лой ва қумоқлардан, баъзан қумлардан иборат майда тош-шағал қопламаларидан ташкил топган. Худди шундай тузилиш билан Сурхон дарёсининг биринчи, иккинчи ва энг каттаси ҳисобланган учинчи қайир усти террасалари ҳам ўз ифодасини топган. Оқим бўйича пастга қараб шағал-тошлар қумлар билан алмашади. Суғориладиган ерлар асосан иккинчи ва учинчи террасаларда жойлашган.

Сурхондарё воҳасининг пахтачилик зоналари иқлими йиллик, ойлик, айниқса суткалик харорат амплитуда тебранишларининг кенг ораликда ифодаланган кескин контененталлиги, шунингдек мавсумий намланиш контрастлигидаги юқори қурғоқчилиги билан характерланади, йиллик ёғин миқдорининг асосий қисми баҳор-қиш ойларига тўғри келади, куз, айниқса 3 мавсумлари ёғингарчиликларнинг бўлмаслиги, ҳаво намлигининг жуда пастлиги ва юқорилиги даражадаги буғланиш билан ажралиб туради.

Вилоятнинг суғорма деҳқончилик зоналари ҳудудларида шимолдан жанубга қараб ҳаракатланиш ва жойнинг денгиз сатҳидан пасайиб бориши билан қисман шароитлари аста-секин ўзгариб боради.[2] Йиллик ўртача харорат ва совуқсиз

давр узунлиги кўпаяди, 10 С дан юқори бўлган ўртача суткалик харорат йиғиндиси, хаво қуруқлиги, шунингдек буғланиш даражалиги ортиб боради. (2.1.1.-жадвал).

Тупроқ иқлим шароитларининг ўзига хос хусусиятларига кўра вилоятда иккита тупроқ-иқлим зоналарини ажратиш мумкин.

1. Тақирли, сур тусли қўнғир қумли чўл тупроқлари тақирлар ривожланга, вилоятнинг жанубий қисми, ёки паст текисликлар чўл зонаси.
2. Асосан бўз тупроқлар тарқалган вилоятнинг шимолий қисми, ёки тоғ ости ва тоғ олди текисликлари зонаси.

Паст текисликлар чўл зонаси: (Ю-II-A) – Шеробод, Қизирик, Термиз, Музробод, Ангор ва Жарқўрғон туманларини ўз ичига олгани холда, МДХ мамлакатлари орасида энг иссиқ зоналардан бири ҳисобланади. Ўртача йиллик харорат 16,2 С дан (Термиз), 18,1 С гача (Шеробод) тебраниб туради, айрими йилларда 18,9 С гача етади, бу туманлардаги вегетацион даврнинг ўртача харорати 24,8 – 26,7 С оралиғида тебраниб туради.[6] Бу зона қишдан баҳорга ўтиш даври хароратнинг кескин ўзгариши билан характерланади. Февралда харорат 5,7 - 6,3 С, мартда 11,3 С га тенг бўлса, апрелда 18,0-18,4 С гача кўтарилади. Мартнинг иккинчи ярмидан бошлаб вегетация даврининг охиригача бошланган барқарор юқори ўртача харорат бу зонада ингичка толали пахта навлари етиштириш имконини яратади. Биринчи совуқ 19-октябрдан 24-ноябргача, баҳорги охириги совуқ тушиши 20-22 мартларга тўғрикелади. Совуқсиз даврнинг узунлиги 213-238 кунни ташкил этади.

2.1.1-жадвал

2.1.1-жадвал

Сурхондарё вилояти табиий зоналар бўйича иқлим
кўрсаткичлари, градус

Кузатув пунктлари	Ойлар												Хаво харорати, градус							
	IV		V		VI		VII		VIII		IX									
Тоғ ости ва тоғ олди текисликлари зонаси. (Ю-П-Б)																				
н	Бойсу	12,8	84	17,8	32,6	22,2	692	25,5	117,2	24,1	1609	18,4	186,1	20,1	12,8	-	-	23IV	19X	178
в	Дено	16,5	19,5	22,0	57,7	26,3	100,6	28,2	157,0	25,8	2060	20,9	238,7	23,3	15,7	47,0	37,4	27/II I	28/X	214
и	Шўрчи	16,7	20,1	22,7	59,7	26,8	109,9	28,6	167,6	26,2	2178	20,9	250,5	23,6	15,7	49,0	38,1	26/II I	25/X	212
Чўл паст текисликлари зонаси (Ю-П-А)																				
з	Терме	17,7	23,1	24,1	70,8	27,5	119,2	29,6	179,9	27,4	2337	22,3	270,3	24,8	16,2	50,0	32,1	22/II I	22/X	213
бот	Шера	18,3	24,9	25,1	71,7	30,0	131,7	32,3	200,8	30,1	26182618	24,6	305,6	26,7	18,1	50,0	39,8	20/II I	14/X I	238
	Жар курғон	17,2	21,6	23,8	61,4	28,4	116,6	30,8	181,8	29,2	24132413	23,7	255,8	25,5	17,3	49,4	37,5	18/II I	28/X	226

2.1.2-жадвал

Сурхондарё вилояти туманлари бўйича атмосфера ёғинлари ва хаво нисбий намлигининг ўртача кўрсаткичлари.

Кузатув пунктлари	Ойлар												Атмосфера ёғинлари йиғиндиси, мм	Хавонинг суткалик ўртача нисбий намлиги, %	Апрел ойи учун махсулдор (самарали) намликнинг захираси, мм
	IV		V		VI		VII		VIII		IX				1995-2000 йиллар

Саросиё	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	101	402	-	-	-	-	-	-
Денов	62	62	35	53	7	40	2	42	0	46	1	47	107	353	48	57	6.0	12.5	78.3	143.2
Шўрчи	58	64	42	52	9	39	0	40	0	44	0	47	118	234	49	58	7,5	16.5	98.0	167.5
Жарқўрғон	33	60	37	49	1	37	0	34	0	38	0	44	59	184	44	56	5.6	14.3	71.4	136.4
Термез	19	57	10	46	0	34	0	32	0	34	0	41	30	133	41	54	4.3	9.0	57.5	100.8
Шеробот	20	52	13	38	10	23	0	21	0	24	0	24	43	154	30	43	4.3	8.5	52.8	108.5

Самарали хароратнинг ўртача йиллик йиғиндиси Шеробод учун 3056⁰С, Термизда эса 2703⁰ ни ташкил этади. Чўл зонасининг ғарбий қисми (Шеробод тумани) унинг шарқий қисмига (Термиз, Жарқўрғон туманлари) қараганда иссиқроқ. Шу билан бирга чўлнинг шарқий қисми йиллик ёғингарчилик миқдорининг бироз камлиги билан ажралиб туради. Йил давомида Термизда 133 мм, Шерободда эса 154 мм ёғин ёғади, шундан вегетация даврига атига 31 35 мм тўғри келади. Ҳаво нихоятда қуриқлиги билан ажралиб туради, йиллик ўртача нисбий намлик 43 54% ни ташкил этганихолда, июлда 21 32% гача камаяди, аксинча қишда 62 66% гача ортади.(2.1.2. жадвал).

Биринчи зона учун жанубий ғарбий йўналишдаги иссиқ қуруқ шамоллар (авғон шамоли) характерли хусусиятларидан бўлиб, тез тез такрорланиб

туради, жуда куч ва давомийликка эришади ва маданий ўсимликларга халокатли таъсир этади (2.1.3 жадвал).

2.1.3. жадвал

Сурхандарё вилоятининг туманлари бўйича шамол фаолияти кўрсаткичлари, м/сек

Кузатиш пунктлар и	Ойлар						Вегитаци я даврлари	Йилли р	Чанг-бўронли шамоллар бўладиган кунлар сони
	IV	V	VI	VII	VIII	IX			
Суткалик ва йиллик ўртача шамол тезлиги									
Денов	2,6	2,4	2,0	1,6	1,6	1,7	2,0	2,3	-
Термиз	3,4	3,0	2,7	2,7	2,5	2,0	2,7	2,6	-
Шеробод	2,2	2,9	3,0	2,6	2,4	2,6	2,6	3,0	-
Кучли шамолли кунлар сони									
Денов	0,8	1,0	0,9	0,4	0,4	0,4	3,9	5,0	4
Термиз	2,0	2,1	1,1	0,9	0,9	0,5	7,5	17,0	28
Шеробод	0,9	0,6	0,2	0,2	0,0 5	0,0	2,0	4,0	6

Бу зонанинг (Ю-II-A) суғориладиган майдонларни асосий қисми тақирли, тақир ўтлоки, сур тусли қўнғир, қумли чўл тупроқларидан иборат бўлиб, суғориладиган умумий 148729 гектар майдонлардан 121062 гектари, ёки 81.4% турли даражада шўрланган. Шундан: кучсиз шўрланган тупроқлар 42.2%, ўртача шўрланган 24.9% ва шўрланган ерлар майдони 14.3% ни ташкил этади.(2.1.4. жадвал).

2.1.4. жадвал

С урхандарё вилоятининг тупроқ иқлим зоналари бўйича шўрланган ерларни майдони кўрсаткичлари (2003 йил маълумотлари).

Туманлар	Жами суғорила- диган ерлар, га	Шўрланиш даражаси						Жами шўрланга н ерлар	
		кучсиз		Ўртача		Кучли			
		Га	%	Га	%	Га	%	га	%
II-группа-климатическая зона (Ю-II-Б)									

Бандихон	11782	3280	27,8	3491	29,6	2574	21,8	9 3 4 5	79,3
Бойсун	4499	2295	51,0	135	3,0	104	2,3	2 5 3 4	56,3
Денов	27501	4740	17,2	2990	10,9	656	2,4	8 3 8 6	30,5
Олтинсой	16734	3618	21,6	339	2,0	132	0,8	4 0 8 9	24,4
Сариосиё	12463	962	7,7	-	-	-	-	9 6 2	7,7
Узун	11637	775	6,7	65	0,56	-	-	8 4 0	7,2
Шўрчи	16939	4767	28,1	794	4,7	231	1,4	5 7 9 2	34,2
Қумқўрғон	21542	4734	22,0	942	4,4	386	1,8	6 0 6 2	28,1
Зона бўйича	123097	25171	20,45	8756	7,11	4083	3,32	3 8 0 1 0	30,88
I-группа-климатическая зона (Ю-П-Б)									
Жарқўрғон	24313	7594	31,2	812	3,3	1327	5,5	9 7 3 3	40,0
Музробод	34085	13358	39,2	11449	33,6	4251	12,5	2 9 0 5 8	85,3
Ангор	15918	9211	57,9	3264	20,5	1336	8,4	1 3	86,8

								8 1 1	
Теримиз	14452	4441	30,7	4111	28,4	1754	12,1	1 0 3 0 6	71,3
Шеробод	33853	18083	53,4	9718	28,7	5720	16,9	3 3 5 2 1	99,0
Қизирик	26108	10087	38,6	7688	29,4	6858	26,3	2 4 6 3 3	94,3
Зона бўйича	148729	62774	42,21	37042	24,91	21246	14,29	1 2 1 0 6 2	81,41
Вилоят бўйича жами	271826	87945	32,35	45798	16,85	25329	9,32	1 5 9 0 7 2	58,52

II. Тоғ ости ва тоғ олди текисликлари зонаси. (Ю-II-Б) Денгиз сатхидан 450-1000 м баландликда жойлашган бўлиб, Сариосиё, Девон, Узун, Шўрчи, Бойсун, Бандихон, Олтинсой ва Қумқўрғон маъмурий туманларини ўз ичига олади. Бу зонада ҳам қишдан баҳорга ўтиш даври хароратнинг кескин кўтарилиши билан содир бўлади: февралда харорат 4.9⁰ С, мартда 10,1⁰кўрсаткичларида кузатилса, апрел ойида 16,9⁰С га етади, бироқ биринчи зонага қараганда пастроқ ҳисобланади. Бу ҳудуда йиллик ўртача ҳарорати 15,7⁰ С га, вегетация даврида эса 23.3⁰С га тенг. Июлнинг ўртача ҳарорати 27.5⁰ С, айрим йилларда 29.4⁰С гача кўрсатилади. Совуқсиз давр ўртача 212-214 кунни ташкил этади. Биринчи кузги

совук ўртача 25-27 мартга тўғри келади, айрим йилларда бу кўрсаткичлардан четга чиқиш холлари (4 феврал ва 18 апрел) учраб туради. Совуксиз даврдаги 100 дан ортиқ самарали харорат йиғиндиси Шўрчи туманидан 2506⁰С ва Девон туманида 2387⁰С ни ташкил этади. Бу туманларга йил давомида 234-353 мм. Ёғин ёғади. Ёғинларнинг асосий миқдори новегитацион даврга (52-53%) тўғри келади, йиллик норманинг 37-38% март ва апрел ойларида кузатилади (2.1.1, 2.1.2. жадваллар).

Ҳавонинг йиллик ўртача нисбий намлиги 57-58% ни ташкил этган ҳолда, вегетация даврининг ўртача кўрсаткичлари 63-64% гача кўтарилади (2.1.2 жадвал).

Жойнинг нишаблик даражаси яхши ифодаланганлиги сабабли бу зонада гурунт сувларининг оқими яхши таъминланган, шу сабабли шўрланган жойлари кучсиз ривожланган. Ер юзаси нишаблик даражасининг катталиги боис айрим жойларда ирригацион эрозия жараёнлари содир бўлади.

Иккинчи, тоғ ости ва тоғ олди зонасининг суғориладиган ерлари майдони 123097 гектарни ташкил этади, шундан 5.87 минг гектари 0.5-1.5 м чуқурликда жойлашган шағал қатламлардан иборат табиий зовурлашган ерлар ҳисобланади. Бу зонанинг тупроқ ва гурунт сувлари юқори филтрацион хусусиятларга эга бўлиб, бу ҳолат айниқса конус ёйилмаларида кучли ифодаланган.

Бу зонадаги гидроморф тупроқлар Сурхон дарёсининг пастки терассаларида (иккинчи ва биринчи қайир усти), шунингдек конус ёйилмаларининг пастки бўйи қисмларида тарқалган. Бу ерларда гурунт сувлари 0.5-4.0 метрда жойлашган бўлиб, асосан дарё ва суғориш сувларининг инфильтрацияланишидан (4 минг гектарга яқин) ботқоқ ўтлоқи тупроқлари тарқалган. Улар асосан конус ёйилмаларининг қуйи пастқамлик ерларига ва дарёнинг биринчи қайир усти ерларига тўғри келади. Ботқоқ ва ботқоқ ўтлоқи тупроқлар гурунт сувларининг ер юзасидан 1.5-2.0 м гача пасайтиришни талаб этади.

Бу зона тупроқлари ҳам турли даражада шўрланган бўлиб, биринчи зонадагига қараганда анча кам. Умумий 123097 гектар ер майдонларидан 38010 гектари шўрланган ерлардан иборат бўлиб, шундан кучсиз шўрланган ерлар

майдони 20.5% (25171 га) ни, ўртача шўрланган майдонлар 7.11% (8756га) ни, ва кучли шўрланаган ерлар майдони 3.3% (4083 га)ни ташкил этади. Ўртача ва кучли шўрланмаган майдонлар (10,14%) зовурлар шароитида шўр ювиш ишларини талаб этади.

Умуман олганда Сурхандарё вилояти суғориладиган майдонларнинг ер фонди, мелиоратив ҳолатига кўра 2гуруҳга: мелиоратив ҳолати яхшироқ, қулай ерлар ва мелиоратив ҳолати оғир, ноқулай ерларга бўлинади. Биринчи гуруҳ ерларига ва иккинчи тупроқ иқлим зонасига киради.

Вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун коллатор зовур тармоқларининг солиштирама узунлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлигининг 2003 йил 1 январ ҳолати маълумотларига кўра вилоятдаги 331.5 минг гектар жами суғориладиган ерлар контурининг 176.5 минг гектари зовурлар билан таъминланган. Коллатор зовур тармоқларининг умумий узунлиги 10099.8 км дан иборат бўлиб, хўжаликлараро тармоқлар 1100.0, хўжаликлар ички коллатор зовур тармоқларинг узунлиги 8999.8 км ни ташкил этади.

Сурхандарё вилоятининг туманлари бўйича ойдинлаштирилган гидромодул раёнлаштириш схемаси ва суғориш режимлари ва тупроқ иқлим шароитлари, ерларнинг мелиоратив ҳолати, грунт сувлари режими, тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва бошқа омилларнингчўқур тахли асосида ишлаб чиқилган бўлиб, вилоятнинг алоҳида туманлари учун белгиланган. Суғориш режими барча қишлоқ хўжалик экинлари учун вегетацион ва новегетацион даврлар учун мўлжалланган.

ЎзПТИ томонидан ишлаб чиқилган ва “Средазгипроводхлопок” институти томонидан иқлим ва минтақавий баландлик шароитларни ҳисобга олган ҳолда, аниқлаштирилган ҳудудий раёнлаштириш схемасига кўра, Шеробод, Жарқўрғон, Ангор, Музробод, Қизирик ва Термиз туманлари биринчи тупроқ иқлим зонасига (Ю-II-Б), асосан оч тусли ва типик бўз тупроқлар тарқалган тоғ

ости ва тоғ олди текисликлари зонасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятнинг иқлим шароитлари, совуқсиз даврнинг узок давомийлиги (212-238 кун) вегетация давридаги ўртача юқори харорат(23.3С, 26.7°С),юқори буғланиш билан ажралиб туради. Шунинг учун кишлоқ хўжалик экинларидан, айниқса пахтадан турғун, барқарор ҳосил олишни таъминлаш мақсадида, вилоятнинг суғориладиган ерларига олдинги районлаштириш схемасида режалаштирилгандан бир оз юқори нормадаги суғориш режимларини қўллаш таклиф этилади.

Литологик геоморфологик тузилиши

Шеробод текислиги маъмурий жойлашувига кўра, Ўзбекистон Республикаси Сурхандарё вилояти таркибига киради, ҳудуд шимол ва шимолий ғарбда Келиф Шеробод тоғ тизмаси, шарқда Хаудаг тепаликлари ва Каттақум кумликлари, жанубда Амударё билан чегараланади. Жанубий қияликда жойлашган Шеробод текислигининг юқори нуқтаси денгиз сатхидан 250-700 м баландликни ташкил этади.

Тектоник жараёнлар таъсирида тоғларининг кўтарилиши ва пасайишининг орографик характерли хусусияти, унинг шимолий шарқдан жанубий ғарбга силжиганлигидан аниқ номоён бўлган, бу йўналишда у ўзининг юқори нуқтасини ҳамда тўртламчи давр қатламларини йўқотиб борган.

Тарифланаётган ҳудуд жануб томондан очиқ, шу вақтнинг ўзида шимолий ғарбий томондан химояланган, ғарбдан ва шарқдан тоғлар билан тўсилган. Бу географик ҳолатлар ва орографик кўринишлар, ҳудуднинг табиий шароитларини бир бирига боғлиқлигига ўз аксини топган.

Ўрганилаётган ҳудуд тоғлараро кенг пастқамлик (депрессия) нинг бир қисми бўлиб, Келиф Шеробод тоғ тизмасининг шимолий ғарбий қисми билан чегараланган, у эса ўрнида Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий тармоғи, шарқдан эса Хаудаг тоғлари билан чегараланган.

Келиф Шеробод тоғ тизмаси тўғри аниқлинал қатлам бурмасининг кенг

қиялик кўп ювилган мажмуига кириб (А.Н.Разанов, 1931), таркиби асосан учламчи палеоген ва неоген тоғ жинсларидан ва охак тош қатламларидан, яъни турли кўкимтир ва кулранг занг тусли хаворанг лойлар қатламида кум фракциялари бўлган ва устки қисми гипсли мергел билан қопланган ва ювилиб турадиган кўнғир кўкимтир охак ва зич охакдан ташкил топган. Охак қатламларининг устки қисми неоген палеоген даврдаги туз ташувчи қатламдан иборат бўлиб, уларнинг пастки қисми сариқ кўкимтир лойлардан, кварцли ва майда тош шағалли конгломератлардан ва мергелдан ташкил топган, уларнинг устки ётқизиклари бақувват қатламли гипсланган лойлар, кумликлар, қизғиш слюдали лой ва катта вакумли конгломератлардан иборат. Неоген палеоген қатламлари кучли ювилганлиги сабабли, ер юзасида конгломерат пластлари кўринишида кўпроқ номоён бўлган.

Хаудаг баландлиги Шеробод текислигини Сурхон текислигидан ажратиб туради, геологик тузилиши бўйича Келиф Шеробод тоғ тизмаси билан ўхшаш. Хаудагдан жанубда Аламантепа ва Учқизил баландликлари жойлашган бўлиб, уларни устки янада кўпроқ шамол билан келтирилган кумликлардан иборат.

Текисликдаги кенгликлар геологик ёши жихатдан учламчи даврдаги жинслар билан тўлдирилган. Ўраб турган баландликларда содир бўладиган эрозия жараёнлари махсули ўтган ва ҳозирги давр сув оқимлари билан келтирилган махсулотлар бўлиб, бу ерда чўкинди жинсларнинг юқори қатламини юзага келтирилган, булар эса асосий компонентлар ҳисобланиб, улар асосида тупроқ қатлами шакилланган. Улар ранги, механик таркибининг тузилиши жихатидан ўзига хос характерга эга бўлиб, келиб чиқиши ва қатламланиш шароити билан бир биридан ажралиб туради. Бу типдаги ётқизиклардан ташқари, унча катта бўлмаган майдонларда кум қатламлари ҳам ҳосил бўлган.

Ҳозирги даврда Шеробод текислигида қуйидаги литологик геоморфологик районларни учртиш мумкин.

I Амударёнинг алливиал ётқизиклари воҳаси ҳудудида:

I.1 пастки биринчи ярус супаси

I.2 устки иккинчи ярус супаси

III Шеробод дарёсининг суббориал қуйилиш жойи (дельта) худудида:

III.1 юқори қисм

III.2 ўрта қисм

III.3 пастки қисм

IV Қизиқдара қуруқ воҳаси худудида:

IV.1 жуда нозик ёнбағир текисликлари Бандихон сойи (воҳанинг пастки қисми);

IV.2 Хаудаг қияликларининг шлейф пролювиал ётқизиклари билан ёндош сохилдаги худудлар;

IV.3 Косонсойнинг қуйилишидаги нозик қуруқ ёнбағир текислиги;

IV.4 Юқори ярусли тўлқинсимон текислигининг лёссли супаси;

V. Паст тоғлардаги текисликнинг пролювиал шлейфлари худудида:

V.1 Ёнбағир текислиги;

V.2 Пастёнбағир текислиги;

V.3 Ўтлоқдан тозаланган текислик.

Шеробод дарёсининг суббориал делтаси Шеробод текислигининг марказий қисмида энг кўп майдонни эгаллайди. Мазкур геоморфологик районлардаги тўртламчи давр ётқизикларининг литологик тузилишлари, уларнинг ўта рангбаранг ва қатламлигидан далолат беради. Уларнинг айрим ўзига хос хусусиятлари ётқизикларининг генезиси ва конус ёйилмалари бўйлаб қайта тақсимланиши билан боғлиқ мураккаб тузилишга эга. Бу ҳолатлар улардаги сув оқимларининг циркуляцияланиш тезлиги ва турли йўналишларини, ўз навбатида шўрланиш жараёнларининг жадаллигини ва мелиоратив таъсирларга турлича муносабатини белгилайди.

II.2. Сурхондарё вилояти иқлим шароити

Вилоят ва унинг тупроқ иқлим зоналари тўғрисидаги батафсил иқлимий маълумотлар диссертациянинг 2 боби да баён қилинган бўлиб, мазкур 2.3 бўлимида бевосита тадқиқот объекти Шеробод чўлига оид маълумотлар берилган ва улар 1 иловада 1.3 келтирилган.

Гидрологик ва гидрогеологик шароитлари

Ер усти сувлари. Таърифланаётган ҳудуднинг асосий сув манбаи Шеробод дарёси ҳисобланиб, у нисбатан сер сув Ирғайли ва Қизилсой дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу икки кичик дарёлар бирлашиб, Мачой қишлоғига боради ва бу ергача у Мачойдарё деб номланади.

Шеробод дарёси Ҳисор тоғ тизмасининг денгиз сатҳидан 2700м баландликда жойлашган жанубий шарқий тармоқларидан бошланади ва у текисликка кириб келишда кўп ариқ сойларга бўлинади, шу сабабли ҳам кўп вақт давомида унинг бош ирмоғи деярли сувсиз қуруқ бўлади. Шеробод дарёси сувлари асосан қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга ва аҳолини сув билан таъминлашга қаратилади.

Шеробод дарёсининг юқори қисми чучук, ўрта оқими эса ён томондан келадиган шўрланган сувлар ҳисобига маълум даражада минераллашган. Сурхон Шеробод ирригация тизимлари сув хўжалиги харитаси 2.5.1 чизмадан келтирилган.

Шеробод дарёсининг минерализацияланиш жараёни, унга Шўрбод дарёсининг қўшилиши билан бошланади ва Шеробод шахригача боради, кейинчалик дарёга Лайлаккон ҳудудида катта миқдордаги минераллашган булоқ сувлари қўшилади, бу эса ўз ўрнида сувни турли тузлар, асосан хлоридлар билан бойитади. Шеробод дарёсининг бош ирмоғи, ҳудуднинг текислик қисмида кам сувли бўлиб, Гуахона қишлоғидан бошлаб ирмоқ текисликдаги дарёлардан юқори минераллашган ер ости сувларини йиғади ва шу ердан бошлаб Қорасув номини олади.

Ер ости сувлари. Хавзанинг Шеробод шаҳри ҳудудига келувчи сувлар, Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий ёнбағирларида шаклланади, улар учламчи

бўр жинсларида хосил бўлганликлари сабабли юқори даражада минерализациялашганлиги билан ажралиб туради, таркибида хлорид тузлари кўпроқ учрайди. Конус ёйилмасининг марказий ва чекка қисмларида ер ости сувларининг юқори қатламлари юқори минераллашган.

Шеробод конус ёйилмасининг юқориги қисмида ер ости сувларининг шўрланганлик даражаси 1-4 г/л ни ташкил этади, жанубда эса, ер ости сувлари босимлашган ва унга яқин майдонларда минерализацияси, шўрланиш типи хлорид найтирийли.

Мазкур регионд ер ости сувларининг чуқурлиги турлича бўлиб, 15-20 м ни ташкил этади, қуйи чекка қисмига яқинлашган сари камаяди. Ер ости сувларининг режими дарёнинг сув билан таъминланиш даражасига боғлиқ бўлиб, уларнинг максимал ҳолати паст бўлиб сентябр октябр ойларида, максимал юқори ҳолати эса март апрел ойларида кўтарилади.

Сув ушловчи жинсларнинг литологик тузилиши, характери, гурунт сувларининг озиқланиш ва сарфланиш, ер ости оқувчанлик даражаси, уларни жойлашиш чуқурлиги ва минерализациясига кўра, ўрганилган ҳудудда бир биридан кескин фарқланувчи 2 та гидроморфологик районни (гидрогеологик зонаси) ажратиш мумкин.

Пролювиал шлейфли паст тоғлардаги биринчи гидроморфологик район ер ости сувларининг чуқур жойлашиши ва минераллашганлик даражасининг пастлиги, ер ости сув оқимининг таъминланганлиги билан характерланади. Бу ерда сувларнинг чуқур жойлашиши тупроқ хосил бўлиш жараёнига таъсир ўтказмайди.

Иккинчи гидроморфологик район Шеробод конус ёйилмасининг текислик қисмида жойлашган бўлиб, ер ости сувлари ер устига яқин 3-5 м чуқурликда ётади, тебраниш амплитудаси 50-100 см атрофида ўзгариб, турли даражада минераллашганлиги билан биринчи фарқланади. Ер ости сувларининг оқими кучсиз ифодаланган пастқамликларда гурунт сувларининг сатҳи 3м

чуқурликда кузатилади, тебраниш амплитудаси 50 см атрофида тебраниб туради.

Шеробод текислиги ер ости сувининг минерализацияланиш даражаси конус ёйилмаси юқори қисмининг маълум чегараларида ўзгаручан, марказий ва чекка қисмларида кучли ва ўртача шўрланишга эга. Бунда ер ости сувларини кимёвий таркибида магний ва калций ионлари асосий ўринни эгаллаганлари холда, натрий иони миқдори ҳам юқори кўрсаткичларда кузатилади, сульфатли шўрланиш типларидан то сульфат хлоридли, хатто хлоридли шўрланиш типларигача ўзгариши кузатилади.

II.3. Зайтун ўсимлигининг иқлим шароитлари

Зайтун ўсимлигини Ватани Ўрта Ер денгизи мамлакатлари, аниқроғи Сирия бўлиб, шу ердан бутун ер юзи бўйлаб тарқалган. Бу ўсимлик 45° кенгликда ва 37° жанубий кенгликдаги барча Европа мамлакатларида экилади.

Ҳозирги кунда энг кўп зайтун экиладиган мамлакатларга Греция, Италия, Испания, Палестин, Туркия, Мексика, Австралия ва бошқалар ҳисобланади.

Ўзбекистон жанубида энг иссиқ жой Сурхондарё вилоятининг Шеробод райони ҳисобланади. Бу ерда абсолют минимум - 20°C га тенг. Кейинги ўринда Денов (абсолют минимум - 23 °C). Шеробод ва Денов ҳамда улар орасида жойлашган Жарқўрғон, Қумқўрғон, Олтинсой, Шўрчи ва Қизирик районлари, Тожикистон томонидан эса Сариосиё ва Узун районлари, қуруқ субтропик иқлимга мансуб зонада жойлашган. Л.Ҳ.Ёзиев(2002) ёзишича, иқлимлаштирилган 500 турга мансуб дарахт ва буталарнинг 224 таси иқлимлашган ва бу иқлим шароитига мослашганини кўрсатди.

Проффесор А. Селянинов (1934) маълумотига кўра зайтун паст ҳавога ҳам

чидамли бўлиб -10 -13°C ; И. Жигаревич (1949) ва А. Ревкин (1928) ёзишича -17 -18°C паст ҳароратга бардош беради. Совуқ ҳарорат -20 -21°C бўлганда нобуд бўлади. Аммо бундан ҳам паст ҳароратга чидамли навлар мавжуд

III боб. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ ОБЪЕКТИ ВА БАЖАРИШ

УСУЛЛАРИ

Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университети кичик ўқув-тажриба хўжалигининг типик бўз тупроқлари шароитида, хона шароитида ва Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида олиб борилмоқда. Зайтун ўсимлигининг биокимёвий намуналарини таҳлил қилиш учун лабораторияларида, тупроқнинг сув физик хоссалари ҳамда агрокимёвий хусусиятлари, фенологик кузатишлар ва бошқа

кўрсаткичлари аниқланди.

Тажриба қуйдагича ўтказилмоқда: қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун қуйидаги дала тажрибаси ўтказилмоқда:

Зайтун ўсимлигининг Ўзбекистон шароитида юқори ҳосилли, маҳсулоти сифатли навларини аниқлаш, 2012-2014 йиллар. Апрель ва май ойларининг биринчи декадасида 40-45 кунлик тайёр бўлган кўчатлари билан бирга экиб ҳар томонлама таққосланди.

Зайтун дарахти 500-4000 минг йилгача яшайдиган, доимий яшил бўлиб узоқ яшовчи ва секин ўсувчи субтропик дарахт ҳисобланади. Ушбу ўсимлик бир жойда камида бир неча аср ҳосил бериши кўпчиликка маълум ва дунёнинг қатор мамлакатларида 1000 йилдан зиёд зайтун етиштириш давом этиб келмоқда. Зайтун дарахтининг баландлиги 10-12 мт дан ошмайди. Зайтунни экишда дарахтларни зич қилиб жойлаштириш мумкин, бунда дарахтлар ораси 2х3 м масофада оралик қолдирилиб экилади ва ундан 9-10 йилгача ҳосил бериш мумкин. Кейинги йилларда 15-20 йилгача секин аста баъзи қатордаги дарахтлар кесилади (учта дарахтдан ўртасидаги кесилади) ва сийраклатиб борилади. Зайтун кўчатлари экилганининг уч йилда мева ёки нишона кўрсатишни бошлайди. Кўчатлар яхши бўлса, албатта 3-4 йиллик кўчатлар мева ҳосил қилади.

1. Тажрибалар майдончасида қуйидаги финологик, биометрик кузатувлар, ўлчашлар ва ҳисоблашлар олиб борилди ва таҳлил қилинди.

2. Асосан уруғларидан, қаламчалари бачкилари ва пайванд йўли билан кўпайтирилади.

3. Экишга ажратилган меваларининг эти ёки мағзи қушларга едирилади ёки сувга ивитиб қўйилиб, кейин уруғ ажратиб олинади. Қушлар чўқиб ташлаб кетган мевалардан кўкарган навлари бақувват бўлиб ўсади.

4. Экилган уруғлар иккинчи йилда ниш уриб чиқади. Илдизлари жуда кўп бачки беради, уларни алоҳида ажратиб питомникларда экилади. Уруғлари тупроққа экилганда жуда кеч униб чиқади. Шунинг учун уларни намли қумларда стиритификация қилиб, кейин экиш лозим.

5. Уруғлардан экилган зайтун 10-12 йилдан бошлаб мева беради. Навларидан 20-25 см қаламчалар тайёрланиб улар орқали ҳам кўпайтирилади. Пайванд қилиш энг яхши натижа беради ёки ҳосилга кириш тезлашади, бу вақтда иккинчи йили мева беради. Манбаларда кўрсатишича, куртак пайванд апрел-май ойида ўтказилади. Новда кузда қилинганлиги маъқулдир, бу эса мева ҳосил беришини тезлаштиради.

Қаламча ва бачкилардан эса 4-5 йилда мева беради. Ўзбекистон шароитида 3-4 йилда зайтун мевалари ҳосил бўлди.

IV. АСОСИЙ ҚИСМ

4.1. Зайтуннинг морфологик белгилари

Зайтун, зайтундошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик, ҳозир Сурия, Исроил ва Корсика мамлакатларида 2000 йилдан зиёд умр кўрган дарахтлари мавжуд. Мўтадил иқлимли мамлакатларда узоқ яшайди. Илдизлари попул илдиз бўлиб тупроқда 70-80 см, айрим илдизлари 2,0-2,5 м чуқурликкача кириб боради, бўйининг баландлиги 6-8, айримлари 10-12 мга етади, кўпинча бутага ўхшаб бир неча поя ҳосил қилади, кўп шохлайди.

Барглари. Барглари новдада қарама қарши жойлашиб устки томони кумушсимон ялтираб турса, орқа томони яшил рангда, узунчок ланцетсимон, Зайтун баргининг ранги оч яшил бўлиб, новдада қарама -қарши жойлашган, барг тўқималарида таркибида эфир мойи, лактон-эленолд, фитостеринлар, смолалар ва бошқа моддалар борлиги аниқланган.

4.1.1 расим



Баргнинг остки қисмининг ранги эса қумуш (қул ранг) ранг бўлиб, у оқ туклар билан қопланган. Баргдаги ушбу туклар қуруқ ҳавода баргнинг ўлишига тўсқинлик қилади. Қисқа банди билан новдада қарама-қарши жойлашган бўлиб, қишда бошқа баргларга ўхшаб тўкилиб кетмайди, баҳорда март ойининг охирларида бир дона барг аввал ҳосил бўлиб кейин олдинги барг тўкилади. Зайтун дарахти барглари мутлоқ тўкилиб ялонғоч бўлиб қолмайди, қишда ҳам баргларини сақлаб қолгани учун экологик тоза дарахтлар турига киради. Чунки ўсимлик йил бўйи кислород ишлаб чиқиш имконига эга. Барглар ҳар икки ёки уч йилда чиқиш жойини ўзгартириб туради.

Гуллари. Икки жинсли, барг қўлтиғида рўваксимон ҳолда бўлиб, бир рўвакда 8-42 тагача гул жойлашади. Гул тожи барглари 4 та, оталиклари 2 та, оналик тугунчаси битта, апрел ойининг охири, май ойи бошларида, баъзан майнинг охири, июнда гуллайди. Зайтун гуллари оқиш



қаймоқ ранг бўлиб, шингил шаклида, шингилнинг ҳажми кичикдир.

4.1.2 расим

Гулнинг хушбўй ҳиди бўлиб, дарахт ёнига келса киши димоғига ёқимли хид урилади. Гуллар баргларнинг остидан чиқади. Гуллар бир йил олдин ўсган новда ва шохчаларда ҳосил бўлади. Зайтун гули икки уйлidir . Биринчи хил гуллари ўз морфологик белгиларида эркак ва аёл гулларни эслатувчи белгини ифода этган гермофродит гуллар.

4.1.3 расим



Иккинчиси эса эркак гуллар, ўсимликнинг урғочи гуллари йўқ. Ушбу хусусиятни гул тузилишини диққат билан кузатганда кўз билан кўриш мумкин.

Зайтун уруғ тугунчалари кичкина, аммо кўзга яққол ташланади. Одатда гулларнинг ҳар бирида бир мева ҳосил бўлади. Гуллари уруғланганидан сўнг секин уруғ тугунчаси катталашади ва бошқа ўсимликларга ўхшаб мева тугади. Уруғланган гул тугунчаси бошқа дарахтлар гул тугунчасидан бироз фарқ қилади. Гул тугунчасининг ҳар бирида икки донадан кичик уруғланган тугунчалари бўлиб, улардан биттаси ҳосил беради, яъни уруғланган барча гуллар мева ҳосил қилади.

Зайтун мевалари. Зайтуннинг меваси чўзиқ овалсимон бўлиб навларига қараб мевасининг вазни ҳар хил бўлади. Зайтуннинг навлари, тур хиллар жуда кўп, биргина Испанияда зайтуннинг 260 дан зиёд тур хили бор. Айрим навлари кичик

мева ҳосил қилади, уларнинг вазни кичик бўлиб 240-250 донаси айримларида 80-90 та меваси бир килограмм бўлади. Меваси данакли, данаги ўтақаттиқ, чақилмайди, мой мевасининг этида бўлади.

4.1.4 расим



Сентябрь ойларида мевалари тўқ яшил тусда бўлса, октябрь ойи охирида меваси қора ранга киради. Усти мумсимон ғубор билан қопланган. Думалоқшакдаги меваларда мой кам бўлади, улар асосан истеъмол учун, чўзинчоқ мевалари мой берувчи бўлади. Бир туп ўсимлик 50-60 кг ўртача, айрим туллари 80-100 кг гача мева беради.

Зайтун мевалари кузга бориб пишиб етилади. Хўл мевалари таркибида аччиқ глюкозидлар бор эканлиги учун мутлоқ йеилмайди. Консервалаш учун ҳам пишмаган яшил рангдаги мевалари танлаб олинади. Консервага баъзан жигарранг тусдаги ёки тўқ-қизил рангдагилари ҳам танлаб олинади. Зайтун мевасининг ҳажми 1,5-2,0 см бўлиб этининг орасида қаттиқ уруғи бор.

Мевалари олдин ёш пайтида довча бўлиб яшил тусда кейин тўла пишиб етилганида унинг яшил ранги қора ёки тўқ жигар ранга ўзгаради.

Зайтун дарахти одатда ўзимизда ўсадиган кўпгина ўсимликларга ўхшаб бир йил яхши ҳосил берса, кейинги йили оз мева қилиши мумкин.

4.2. Доривор Зайтун ўсимлигини етиштириш агротехнологияси.

Доривор зайтун ўсимлигини Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидан қаламча ва кўчатлар ҳолатида 2013 йил 7-мартда олиб келиниб Тошкент давлат аграр университети кичик тажриба хўжалигига экилди. Олиб келинган зайтун навлари, Куратина - ўрта ҳажмдаги мева. Мой миқдори 17-21%.Меваси тузлаш учун яроқли. Сентябрь ва октябр ойларида пишиб етилади.

1. Тажрибага олиб келинган қаламчалар икки хил тажриба усулида экилди.

1.Очиқ майдонга қатор ораси 60 см ва қаламчалар оралиғи 30 см қилиб экилди.

2.Плёнка тагига қатор оралиғи 50 см, қаламчалар оралиғи 20 см

Ҳар икки хил тажрибада экилган зайтун қаламчалари бўйи 30 см қилиб экилган.

Очиқ майдонга экилган қаламчаларда ўзгариш сезилмади. Иқлим шароити мос келмаганлиги сабабли қаламчалар ривожланмади.

2.Тажрибамда олиб келинган зайтун кўчатларини лаборатория шароитида 4дона зайтун кўчати иккита донасини тупроқ ва гўнг аралашмасига 1:1 нисбатда ва қолган иккита қалмчани тупроқ, гўнг ва қум 1:1:1 нисбатда экилди. Тажриба кузатув натижалари қуйидагилардан иборат.

Жадваллар 4,2,1 4,2,2 4,2,3 4,2,4 ва расимлар 4,2,1 4,2,2 4,2,3 4,2,4.

Зайтун доривор ўсимлигининг ўсиш тезлиги 15-17°C ҳарорати вариантлар бўйича 7-мартдан 4 - апрелгача 2-3 см, ташкил этган, шу даврда ён шохлар сони 2-9 та бўлиб, ундаги барглар сони 49-116 тагача, ён шохлар узунлиги эса 7-19 см бўлган.

Харорат кўтарилгани билан, яъни 20-22^oC бўлганда 2-майгача ўсимликни бўйи 29-39 см, ён шохлар сони 3-10 та, барглар сони 55-150 та, ён шохлар узунлиги эса 10-24 см, ташкил этди.

Июнь ойида харорат 26-28^oC га кўтарилганда ўсимликни бўйи 31-51 см, ён шохлар сони эса 3-13 та, барглар сони 62-211 та, ён шохлар узунлиги эса 14-37 смни ташкил этди.

Июль ойида харорат 34-29^oC га етганда ўсимликни ўсув тезлиги 1 ой ичида бўйи 4-13 см, ён шохлар сони 3-13 та, барглар сони 75-250 та, ён шохлар узунлиги эса 19-31 см бўлди.

Август-сентябрь ойида доривор зайтун ўсимлигини бўйи август ойида 48-78, сентябрда эса 50-78 см, ён шохлар сони 4-14 та, барглар сони август ойида 84-284 та, сентябрь ойида 108-310 тага етди, ён шохлар узунлиги эса 20-53 см, 29-69 см, харорат шу 2 ойда 27-24-20-28-21^o C ни кўрсатди.

Октябрь ойида харорат 21-19^oC га етганда ўсув тезлиги баргида юқори бўлди. Барглар сони 174-346 та, ён шохлар узунлиги эса 44-71 см, ён шохлар сони 6-14 та, ўсимликнинг бўйи 72 смдан 90 смга этди.

Охирги икки ой ичида харорат совигани сари ўсимлик ўсиш тезлиги сусайди, ноябрь ойида ўсимликнинг бўйи 73-90 см, декабрда 75-93 см, ён шохлар сони 7-15 тага, барглар сони эса ноябрь ойида 180-351, декабрда 186-340 га, ён шохлар узунлиги 47-73 см, декабрда 48-74 см, хона харорати икки ой ичида 21-20-18-20^o C ни ташкил этди.

Июль, август, сентябрь, октябрь ойлари хона харорати мунтазам иссиқ бўлгани сабабли зайтун ўсимлиги яхши ривожланди.

Демак Республикамизда аҳоли сони 2020 йилга бориб 35 млн. га етиши

кўзда тутилмоқда. Ана шуларни инобатга олган холда аҳолининг экологик тоза шифобахш зайтун мойига бўлган талабини ҳисобга олиб, пахта ва буғдой экиб бўлмайдиган майдонлар шартли суғориладиган ҳудудлар ва лалми майдонлардан фойдаланишимиз мумкин.

Республикамизда юқорида айтиб ўтилган шароитлар ва иқлим шароити дан келиб чиқиб жанубий туманлар Шеробод, Жарқўрғон, Шўрчи, Ғузор туманларида ривожлантириш яхши натижа беради.

4.2.1 расим

Доривор зайтун ўсимлигини лаборатория шароитида етиштириш



Сана	Ўсимликни бўйи,см	Ён шохлар	Барглар сони,	Ён шох Узунлиги	Органик ўғит, кг	Сув режими,	Хона харорати,
------	----------------------	--------------	------------------	--------------------	---------------------	----------------	-------------------


		сони, дона	дона	, см		л	°С
07 03 13	30	5	63	7	0.5	1	15
14 03 13	-	-	-	-	-	0.5	17
21 03 13	-	-	65	-	-	0.5	16
28 03 13	-	-	66	-	-	0.5	18
04 04 13	32	7	72	11	-	0.5	21
11 04 13	-	-	85	-	-	0.5	20
18 04 13	-	-	92	-	-	0.5	19
25 04 13	-	-	100	-	-	0.5	22
02 05 13	34	9	110	14		0.5	21
16 05 13	-	-	117	-	-	0.5	19
23 05 13	-	-	125	-	-	0.5	24
01 06 13	35	10	133	17	-	0.5	26
04 07 13	42	11	224	19	-	0.5	34
02 08 13	51	11	245	20	-	0.5	28
05 09 13	70	12	318	29	1.5	0.5	20
02 10 13	72	12	322	47	-	0,5	21
03 11 13	73	12	332	55	-	0,5	20
20 12 13	75	12	320	56	-	0,5	19
02 02 14	77	13	355	61	-	0,5	18
14 03 14	78	13	381	70	-	0,5	17
10 05 14	83	14	431	77	-	0,5	22

Жадвал 4.2.1

Зайтун доривор ўсимлигини лаборатория шароитида
ўсиши ва ривожланиши, 1чи сасод

4.2.2 расим

Зайтун доривор ўсимлигини лаборатория шароитида
ўсиши ва ривожланиши, 1 чи сасод



Жадвал 4.2.2

Зайтун доривор ўсимлигини лаборатория шароитида


ўсиши ва ривожланиши, 2 чи сасод

Сана	Ўсимликни буйи,см	Ён шохлар сони, дона	Барглар сони, дона	Ён шох Узунлиги,с м	Органик ўгит, кг	Сув режими, л	Хона харорати, °С
07 03 13	32	9	90	15	0.5	1	15
14 03 13	-	-	-	-	-	0.5	17
21 03 13	-	-	-	-	-	0.5	16
28 03 13	-	-	-	-	-	0.5	18
04 04 13	35	9	116	19	-	0.5	21
11 04 13	-	-	-	-	-	0.5	20
18 04 13	-	-	-	-	-	0.5	19
25 04 13	-	-	-	-	-	0.5	22
02 05 13	38	10	150	24	-	0.5	21
16 05 13	-	-	-	-	-	0.5	19
23 05 13	-	-	-	-	-	0.5	24
01 06 13	51	13	211	37	-	0.5	25
04 07 13	62	13	250	41	-	0.5	34
02 08 13	78	13	284	53	-	0.5	27
05 09 13	87	14	310	69	1,5	0.5	20
02 10 13	90	14	329	71	-	0,5	19
03 11 13	91	15	340	73	-	0,5	20
20 12 13	92	15	336	73	-	0,5	19
02 02 14	95	15	354	73	-	0,5	18

14 03 14	98	17	391	73	-	0,5	17
10 05 14	1,4	19	423	73	-	0,5	22

4.2.3 расим

Зайтун доривор ўсимлигини лаборатория шароитида
ўсиши ва ривожланиши, 2 чи сасод



Жадвал 4.2.3


Зайтун доривор ўсимлигини лаборатория шароитида

ўсиши ва ривожланиши, 1чи тувак

Сана	Ўсимликни буйи, см	Ён шохлар сони, дона	Барглар сони, дона	Ён шох Узунлиги, см	Органик ўгит, кг	Сув режими, л	Хона харорати, ° С
07 03 13	27	2	41	6	0,5	1	15
14 03 13	-	-	-	-	-	0.5	17
21 03 13	-	-	-	-	-	0.5	16
28 03 13	-	-	-	-	-	0.5	18
04 04 13	29	3	49	7	-	0.5	21
11 04 13	-	-	-	-	-	0.5	20
18 04 13	-	-	-	-	-	0.5	19
25 04 13	-	-	-	-	-	0.5	22
02 05 13	30	3	55	10	-	0.5	20
16 05 13	-	-	-	-	-	0.5	19
23 05 13	-	-	-	-	-	0.5	24
01 06 13	38	3	62	14	-	0.5	26
04 07 13	42	3	75	19	-	0.5	34
02 08 13	48	4	84	27	-	0.5	27
05 09 13	60	4	128	35	1,5	0.5	20
02 10 13	79	6	174	44	-	0,5	19
03 11 13	90	7	180	47	-	0,5	20
20 12 13	93	8	186	48	-	0,5	19
02 02 14	94	8	203	48,7	-	0,5	18
14 03 14	97	10	221	51	-	0,5	17
10 05 14	1,8	10	276	51	-	0,5	22

4.2.4 расим

Зайтун доривор ўсимлигини лаборатория шароитида
ўсиши ва ривожланиши, 1чи тувак




Зайтун доривор ўсимлигини лаборатория шароитида

ўсиши ва ривожланиши, 2 чи тувак

Сана	Ўсимликни буйи, см	Ён шоҳлар сони, дона	Барглар сони, дона	Ён шох Узунлиги, см	Органик ўғит, кг	Сув режими, л	Хона харорати, ° С
07 03 13	21	6	91	13	0.5	1	15
14 03 13	-	-	-	-	-	0.5	17
21 03 13	-	-	-	-	-	0.5	16
28 03 13	-	-	-	-	-	0.5	18
04 04 13	24	8	97	15	-	0.5	21
11 04 13	-	-	-	-	-	0.5	20
18 04 13	-	-	-	-	-	0.5	19
25 04 13	-	-	-	-	-	0.5	22
02 05 13	29	8	111	19	-	0.5	21
16 05 13	-	-	-	-	-	0.5	19
23 05 13	-	-	-	-	-	0.5	24
01 06 13	31	10	139	22	-	0.5	26
04 07 13	44	11	182	31	-	0.5	34
02 08 13	59	11	215	43	-	0.5	27
05 09 13	66	11	345	56	1,5	0.5	20
02 10 13	73	11	346	60	-	0,5	19
03 11 13	74	11	350	60	-	0,5	20
20 12 13	75	11	342	61	-	0,5	19
02 02 14	75,6	11	354	61,5	-	0,5	18
14 03 14	76,3	11	365	62	-	0,5	17
10 05 14	78	12	389	62	-	0,5	22

4.2.5 расим

Зайтун доривор ўсимлигини лаборатория шароитида
ўсиши ва ривожланиши, 2 чи тувак



Доривор Зайтунни лобаратория шароитида етиштириш

Ерга ишлов бериш

Ерни шудгор қилиш қўчат атрофида узоқ ўсиб турувчи ўтлар-ни кеткизишда, хусусан ерни суғоришда ёмғирдан фойдаланиладиган ерларда тупроққа намни сингдиришида қулайлик туғдиради.

Ерни шудгор қилиш қуйидаги вақтларда бажариш лозим бўлади:

1) Кузда мева йиғиб бўлинганидан сўнг ерга ишлов беришда

унинг чуқурлиги 20 см дан ошмаслиги керак.

2) Баҳорда дарахт гуллашидан аввал 15 смгача ер юзаси

юмшатилади, бунда сувнинг илдизга яхши етиб боришига ёрдам беради.

3) Ёзда намликни сақлаш учун чуқурлиги 10 см дан оширмай

ер юзаси яна қайта юмшатилади.

Экишга тайёрлаш

Экиш чуқурчалари энига 50 см, чуқури 60 см қилиб тайёрланади, қўчат экишдан олдин ҳар бир чуқурчага 1-2 идиш бегона ўтлар уруғларидан бўлмаган яхши чиритилган маҳаллий ўғит эритмаси солинади. Сўнгра қуйидаги кимёвий ўғитлар қўшилади. 1кг супер фосфат 1/2 сульфат калий 1кг 1/2, ёки экишдан олдин чуқурларга бир ош қошиқ аммиак селитрасини бир литр сувда эритиб тўкилади.

4.2.6 расим



Кимёвий ўғитлар куруқ холида берилганда тупроқ билаи бирга яхшилаб аралаштирилади. Бу нарса одатда кўчатларни экишдан 1-2 ой аввал амалга оширилади. Суюқ холда берилганда тўғридан тўғри экишдан олдин бажарилади Чукурчалар экишдан илгари бир неча бор сув қуйилиб яхшилаб намга туйинтирилади. Имкон бори кадар маҳаллий ўғитларни тупроққа солиш лозим.

Кўчатларни экиш.

1. Кўчатлар сентябр ва октябр ойларида кейин мартнинг бошидан майнинг охирига

кадар экилади. Экишдан олдин кўчатилдизларининг муносиб баландликда бўлишига риоя қилинади.Кўчатнинг илдизи ҳар қандай бегона ўтлар ёки касалликлардан холи соғлом тупроқда 35 см баландликда жойлашган бўлади. Чуқурлар кўчат экишдан 1 кун олдин суғорилмайди.

2. Кўчатларни пластик қопчаларда олинади. Шундагина уларнинг илдизлари зарарланмайди. Кўчатларни экишда қопча тагибилан мутлоқ олиб ташланади. Кўчат ўралган қопчани чуқурчага қўйилганда, бунда қопчанинг тепа қисми тупроқнинг юқори қисмига тенг бўлади.

Чуқур қавлаб олинган ўз тупроғи билан қўмиб тўлғазилади. Баъзан қопчани чуқурга тупроқ ташлангандан сўнг ҳам олиш мумкин, барча эътибор шунда бўладики, кўчат илдизидаги тупроқ сочилиб кетмаслиги керак. Сўнг қопча тортиб олинади ва чуқурдаги бўш жойларни тўлдириш учун чуқур атрофи яхшилаб босилади.

Кўчат экиб бўлинганидан сўнг у суғорилади. Суғориш секин аста камайтирилади. Кўчат экилган кундан бошлаб бир йил давомида дарахтларнинг сувсиз қолдирилмайди. Яъни унинг сувга эҳтиёжи қондирилади.

4.2.7 расим



Қаламчасидан лобаратория шароитида кўпайтириш усули.

Бу ўсимлик уруғларидан, қаламчаларидан, бачкилари ва пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Экишга ажратилган меваларининг эти ёки мағзи қушларга едирилади ёки сувга ивитиб қўйилиб, кейин уруғи ажратиб олинади. қушлар чўкиб ташлаб кетган мевалардан кўқарган новдалари бақувват бўлиб ўсади.

Илдизлари жуда кўп бачки беради, уларни алоҳида ажратиб питомникларга экилади. Уруғлари тупрокқа экилганда жуда кеч униб чиқади. Шунинг учун уларни намли кумларда экиб кўқартириб, кейин экиш лозим. Новдаларидан 20-25 см қаламчалар тайёрлаб, улар орқали ҳам кўпайтирилади. Пайванд қилиш энг яхши натижа беради ёки ҳосилга кириш тезлашади, бу вақтда тўртинчи йили мева беради.

4.2.8 расим

Қаламчасидан дала шароитида кўпайтириш усули



Қаламча билан қўпайтириш.

Ушбу усулнинг бир неча тури бўлиб улар қуйидагича:

А) узун ортикча шохлар ёки кераксиз новдалардан,

Б) кўчатлар томирли бўлганда;

В) кичкина новда ҳолатида;

Г) поначага ярқли бўлганда қўпайтириш.

Ундан ташқари новдаларни янги серсув бўлган ҳолатида қўпайтириш мумкин. (Яъни янги кесилган, қуруб қолмаган бўлиши лозим.) Барглари яхши турган

кўчат новдаларидан ўстирилган кўп новдали кўчатни экиш тавсия этилади. Ёш кўчатлар яхши шароитда экилганининг 3-4 йил мева беришни бошлайди.

Кўчатларни сотиб олишда махсус етиштирилган барглари яхши сақланган. илдизлари тупроқ ичида бўлган кўчат ва новдаларни сотиб олиш афзал. Куйидаги кўчатларни экишга тавсия қилинади:

А) бўйининг баландлиги 70 -80 см дан кам бўлмаган кўчатлар;

Б) экиш учун тайёрланган махсус қопча сатҳидан 10 см кўтарилганида пайванд жойнинг баландлиги 0,5 см дан юқори туриши лозим;

В) турли табиий шикастланиш, ҳашаротлар билан зарарланмаган ҳамда касалланмаган бўлиши лозим;

Г) барглари, бандлари ва шохлари табиий ўсган ва яшил, соғлом ҳолатда бўлиши лозим;

Д) экиладиган зайтун навларининг номи ва у ҳақдаги маълумотлар маълум бўлиши лозим;

Биринчидан: бақувват кўчатлар.

Кўчатга олинадиган новдалар экилишдан олдин 5 минут давомида спиртга ботириб қўйилади. Баҳор ва ёзда ўша баргли новдалар танлаб олинади ва қум ва тупроқ билан тўлдирилган сандиқларга экилади.

Иккинчи: узун новда:

Бу усул кам миқдорда қўлланилади аммо зайтун кўчатлари етиштиришдаги энг осон усуллардан бири. Бунда дарахт бандларидаги узун шохлар кесилади. Сўнг дарахт ён тарафидаги шохлар кесилиб 50 см га қисқартирилади. Қаламчалар январ, феврал ёки август ва сентябр ойларида экилади.

Уруғидан экиш.

Уруғидан экилганда униб чиққан ниҳоллар кейинги йилларда пайвандлаш учун экилади. Экиладиган уруғлар аввал уруғни мева этидан ўсишга тўсик бўлувчи мойли этдан ва пўстлоғидан тозаланганидан кейин март ёки сентябр ойларида экилади. Уруғдаги пўстлоғнинг қаттиқлиги учун уруққа 4%ли карбонат кальций билан ишлов бериши мумкин. Чунки каттик қобиклар уруғни тез ўсиши учун халақит беради. Уруғларидан униб чиққан зайтун кўчатлари 10-11 йилда ҳосил беради.

Пайвандлаш.

А) Дарахтни ён тарафидан пайвандлаш:

Бўйининг узунлиги 10-15 см. га етадиган зайтуннинг уруғларидан чиққан ниҳоллари сайланиб пластик қопчаларга экиш учун ажратиб олинади. Улар кейинги сентябр ойи давомида иссиқхоналарга олиб борилади. Ниҳол баландлиги қалам бўйига етганда у пайвандлашга тайёр бўлади.

Пайвандлаш ишлари баҳор ёки куз; фаслларида (сентябр) ойларида амалга оширилади. Куёшнинг юқори ҳароратидан зарарланмаслик учун эрта тонгда ёки кечки пайт қуёш ботаётганда амалга оширилади.

Зайтун дарахти шохчалардан 1 -йиллик ёки ундан камроқ вақт ўсиб ривожланаган новдачалари олинади. Уларнинг диаметри 2 см, узунлиги 15-20 см бўлиши лозим, новдалар барглاردан тозаланиб ҳўлланган (ивитилган) пахталик мато ичида пайвандлаш ишларида тугагунга қадар сақланади.

Пайвандлаш ишларини ўтказиш учун зайтун дарахтининг тупроқ сатҳидан тепароқ жойдаги силлиқ пояси танланади ва у ерда узунлиги 5 см. бўлган жойда пўсти шилинади. Узунлиги 5 см бўлган қаламча олинади ва қаламчада бўлган тугун яқинидан кесилади. Сўнг қаламча икки тарафидан учланади (йўнилади).

Бунда қаламча пўсти тозаланади. Пайвандтагнинг эса паст томони учланиб бир см узунликда ёрикҳосил қилинади. Қаламчани ниҳол танасидаги кичик ёрикқа эҳтиётлик билан солинади (орасига солинади) ва бунда пайванддўстдаги кесилган новданинг эни ва пайвантагнинг диаметри бир-бирига мувофиқ келиши лозим. Яъни, узун учланган томон ички томонга қисқа учланган эса ташқи жиҳатда бўлиши керак. Пайвандланган жой ўрни пластик лента билан яхшилаб боғланади. Боғлаш пастдан тепага қараб тугунга қараб бўлади. Сўнг пайванднинг тепа учи шам билан ўраб қўйилади.

Б) Пона пайвандлаш

Дарахтларнинг ер сатҳидан 5 см тепаликдаги новдалари ўртасидан кесилади ва ўртаси ёрилади. Пайванддўст қаламчалар ниҳолнинг ёрилган жойига киритилиб жойлаштирилади ва яхшилаб хаво кирмайдиган қилиб боғланади. Новдалар бирлашган жой совуқ пайвандлаш шам билан қопланади. Бу усул орқали пайвандлаш зайтун қўчатларини ташкил қилишда катта муваффақият келтиради.

Ўғитлаш

Зайтун экилган далага ўғит беришдан олдин ўсимликнинг ўсиш даврида талаб қиладиган минерал ва органик ўғитларга бўлган эҳтиёжини билиш ҳамда ривожланиш фазасининг қайси даврида қанча ўғитга бўлган талабини таҳлил қилиш тавсия этилади. Зайтун дарахтларининг минерал ва органик ўғитларга бўлган талаби албатта фазаларга қараб ўзгаришини билиш ва уларни солиш муддатини мувофиқлаштиришни билиш лозим бўлади.

Зайтун дарахтларига макро ўғитлардан азотли, фосфорли ва калийли, микроўғитлардан магний ва молибден берилиши лозим. Органик ва кимёвий ўғитларни зайтун майдонларига биргаликда қўшиб бериш яхши сифатли ва серҳосил мева олишга сабаб бўлади. Биологик хусусиятларига кўра зайтун дарахтлари ўсиш даврида тупрок-иқлим шароитидаги ноқулайликларга нисбатан бардошли бўлади.

Бериладиган ҳар бир кг азотли ўғит миқдори дарахт ёши, ҳажми ва маҳсулот миқдорига қараб турли хилдир. Лекин бир гектарга маҳаллий, кимёвий ўғит ёки тоза азот миқдорини қуйидаги жадвалдаги каби бир йилда бериладиган аммиакли ўғит миқдори гектар бошига 80 кг дан ошмаслигига риоя қилиш керак.

Минерал ўғитларни далага солиш муддати

Органик ўғит ва кимёвий ўғитлардан фосфорни куз фаслида дарахтлар ёнидаги махсус қазилган чуқурларга солинади. минерал ўғитлар солинадиган чуқурларни ҳар йили ўзгаришига эътибор қилинади. Зайтун экилган чуқурларга ўғит солишнинг иложи йўқлигидан ёнидан чуқур қавлаб ўғит беришга ўрганиш мумкин. Минерал ва маҳаллий ўғитлар қиш фасли давомида чуқурларга солиб турилади.

Ёш зайтун боғларида суперфосфат ва калий сульфати ўрта ҳисобда йилига бир дарахтга 1 кг дан феврал ойида солинади.

Азотли ўғитлардан аммиак нитрати кучсиз унумдорлиги паст ва таркибида калий кўп бўлган майдонларда ва янги ўзлаштирилган ерларда ишлатилади, Биринчи марта азотли ўғитлар март ойида 2 барабар миқдорда берилади. Иккинчи марта эса июн ойларида бериш лозим.

Азотли ўғитлар миқдорини март ойидан бошлаб июнга қадар кўпайтириб борилади. Сўнг эса секин аста камайтирилади. Сентябрь ойида ўғит бериш тамоман тўхтатилади. Чунки қиш фасли бошланишдан олдин новдалар ўсишдан тўхташи лозим. Белгиланган минерал ва маҳаллий ўғит миқдори январ ойидан бошлаб ойига бир марта (тахминан) солинади ва хатто сентябр ойида ҳам ёки жанубий ҳудудларда октябрда ҳам бериш мумкин.

Фосфорли ўғитлар: Феврал ойидан бошлаб июнь ойигача зайтун дарахтлари ушбу ўғитга талабчан бўлади. Ўсимлик талаб қилган фосфорли ўғитнинг 80% шу ойларда бериб борилади ва қолган қисми ёки кам миқдори 20% июлда берилиб, сўнг тўхтатилади.

Калийли ўғитларни эса июндан то сентябр ойларигача бериб борилади, бу ўғитдан фойдаланишга сабаб дарахт илдизларининг кучли ва меваларининг кўп бўлиши учундир солинади. Кўпинча боғбонлар калийли ўғитларга кам эътибор беришади, аммо бу ўғитни ҳам ўз вақтида бериб бориш фақат ҳосилдорликни оширади. Демак, ҳар бир минерал ва органик ўғитлардан ўз вақтида билиб фойдаланиш мақсадга мувофиқдир ёки юқори ҳосил олишга имкон беради.

Зайтун экилган далаларга минерал ва органик ўғитлар ўз вақтида бериб борилмаса, тез ўсиш кўп новдаларни ҳосил қилиши барг ҳажмининг кичиклашувига, барг тепа қисмини қуриши ва уни ранги сап-сарик тусга киришига, меваларни шаклини ўзгартиришига, кўпинча кичрайиб ва ҳосилни йигишдан олдин меваларнинг тушиб кетишига олиб келади.

Суғориш

Зайтун ўсимлиги кўп ўсимликларга қараганда юқори даражада қурғоқчиликка чидамлиги билан бошқа ўсимликлардан ажралиб туради. Зайтун сувни тежаб фойдаланадиган экинлар турига киради Қурғоқчил сув танқис ҳолатда у ўсиб ривожланади, аммо берадиган маҳсулоти ноқулай шароитларда камаяди.Зайтуннинг ўсиб ривожланиши ҳам сустрлашади, ҳосил бўладиган ён шохлар, новдалар, барглар сони камайиб кетади. Ушбу ҳолатлар юз бермаслиги учун доимо зайтун экилган майдонлар ўсиш даврида тўлиқ сувга қониши учун суғориш ишларга эътибор бериш лозим. Ҳар бир ўсимлик каби зайтун ҳам риволаниш фазасининг маълум даврларидагина сувга талабчан бўлади, ана шу даврлардагина сув билан ўсимликни таъминлаш лозимдир.

Зайтуннинг кўп сув талаб қиладиган фазалари қуйидагилардир:

-Гул шингилларини ҳосил қилиши ва гуллари очиладиган ойлар давомида;

-Мева тутиши ва мева шаклланиши жараёнида;



Бунда парланиш даражаси ёки трансфирация жараёни кучли ва дарахтларнинг сув талаб қилиши, айниқса ёш дарахтларда юқори даражада бўлади.

Дарахтларни гуллаш вақтида суғориш тавсия этилмайди. Зайтун дарахтларини суғориш учун зарур бўлган сув миқдори тахминан бир гектарга ўртача 5000: 6000 м³, йилига 10-12 суғориш амалга оширилади.

Боғда томчилаб суғориш тизими олиб борилганда 1 гектар майдон учун керакли сув миқдори камаяди ва 1 гектар учун 2500-3000 метр куб сигимидаги сув билан суғорилиши керак бўлади.

Суғорилишда ёмғир сувларидан фойдаланилган ҳолатларда дарахтлар атрофида сувни тўплаш ва дарахтни суғориш учун ховузлар қилиниб сув тўплашга эришилади. Хозирги кундаги сув танқислигини эътиборга олиб ҳар бир томчи сувдан зайтун ёки бошқа бир дарахт турларини суғоришда фойдаланиш лозим.Махсус ховузлар орқали сув тўплаш

ишлари олиб борилса сув сарфининг камайишига олиб келади.

Суғорадиган сувлар нисбатан шўр бўлган ҳолда зайтун дарахти бу ўсимлик шўрга чидамли, кальций кабонатли ва сульфатли шўрланишга бардош беради. Дарахтларнинг ўртача ўсиши ва ҳосил бериши суғориладиган сувларда шўр тузларнинг белгиланган миқдордан ошишига қараб камаяди. Шўрланган тупроқларда ёмғир ёғаётганда суғориш энг яхши агротехник тадбирлардан ҳисобланади, ушбу тавсияни бошқа экинларда ҳам синаб кўриш мумкин. Бу тадбир тупроқдаги мавжуд тузларнинг ўсимлик илдизлари жойлашган горизонтларга тарқалиб кетмаслиги учун амалга оширилади.

4.3. Зайтун меваси ва баргининг шифобахшлик хусусиятлари.

Зайтун барги таркибида қуйидаги моддалар маижуд. Масалан: минерал тузлар, олтиигугурт, органик кислоталар, ёғ кислотаси, ва таркибида танин моддаси мавжуд моддалар, нордоп на организмни фаоллаштирувчи ва (дезинфекцияловчи) турли чарарли моддалардан тозаловчи моддалар мавжуд.

Зайтун барги қайнатмасини истеъмол қилиш қуйидаги ҳолатларда фойдалидир:

Ички қон қуйилишини тўхтатишда ва ангина билан оғриган беморга, ички касалликлар билан оғриганда, ошқозоничак касалликлари оғриганда дарддан тузалишида ёрдам беради;

Юқори қон босимини, қондаги қанд моддаси ва (қондаги микроб) нисбатини туширишда барра (янги узилган) зайтун барги қайнатмасини илиқҳолда эрталаб бир стакан ва кечқурун бир стакан 2 ҳафта давомида ичишдан олдин яримта лимон шарбати сиқиб олинади ва унга бир қошиқ зайтун ёғи қўшилиб истеъмол қилинади. Ошқозон ва ичак яралари, сийиш қийинлашганда ва иситмани даволашда овқатдан олдин ярим стакан 3 марта ёки бир ош қошиқ эрталаб оч коринга тановул қилинади.

Бўғим, оёқ ва бўғим оғриқларини даволашда мойчечак гули ивитмаси (настойка) зайтун ёғи билан истеъмол қилинади (Бунда 50 гр мойчечак гули билан бирга 40 гр зайтун ёғи олинади ва 3 кун давомида уни аралаштириб турилади.) Уйқу олдида уни малҳам қилиб оғриган жойга 20 дақиқа давомида массаж ҳам қилинади. Зайтун барги қайнатмаси оғиз ва томоқ шамоллашини даволаш учун ишлатилади.

Танадаги бадбуй тери хидини кетказиш. Бунда барг кули зайтун уруғлари билан олинади ва яхшилаб янчилади. Сўнг уни пудра шаклида нам ўтган ва инсон танасидан ёрилган жойларга суртилади. Бу танадан тер чиқишини камайтиради ва бадбўй хид келишидан сақлайди. Зайтун меваларини туйиб янчилади ва унга пахта солиб ҳўлланади сўнг чиқиб қолган бўғимлар (пай чўзилиб қолиши), лат еган ва экзема (тери касаллиги) ва кирма темиретка касалликларидан халос бўлиш учун малҳамни ўша ерга қўйилади.

4.4. Зайтун мойининг шифобахшлик қиймати

Зайтун мойи энг яхши мой деб, дунё мамлакатлари аҳолиси томонидан тан олинган бўлиб, у тана соғлом бўлиши учун зарур бўлган витаминлар, тузлар билан тўйдирилмаган ёғли кислоталарга бой бўлган соғлиқ учун зарур ўсимлик мойларидан биридир. Баъзан зайтун меваси пахта чигити ёки ерёнғоқ ёки кунжут ва зиғир уруғлари билан аралаштириб юборилади. Бу ҳолатда ҳам барибир фойдалидир. Унинг энг қимматли хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

Зайтун мойи таркибида тўйинмаган мой кислоталари кам бўлганлиги учун овқат тайёрлашда энг яхши хом ашёдир. Шунинг учун у инсон организмида холестерин миқдорининг кўтарилишига ва саломатликни ёмонлашувига олиб келмайди.

Зайтун мойининг юрак томири касалликлари ва қон босимининг кўтарилишига қарши ижобий таъсир этувчи хусусиятлари бор. Бундан ташқари зайтун мойи истеъмол қилинганда жигар фаолияти ва ўт пуфагидан сафро ажралиб чиқишини яхшилайдди. Ўт пуфаги, буйрак ва қовуққа пешоб келадиган йўлдан тўпланган тошлар чиқишини осонлаштиради. (Эрталаб очқоринга зайтун мойидан бир қошиқ ичилади.)

Уни овқатда давомли истеъмол қилиш кўкрак саратони касаллигига чалиниш микдорини 35% га пасайтиради.

Эрталаб оч қоринга лимон шарбати ва зайтун мойи аралашмасидан бир ош қошиқ тановул қилиш инсон овқат ҳазм қилиш аъзоларида яшайдиган (лямби-гижжа) каби баъзи қуртлардан халос бўлишга олиб келади.

Зайтун мойидан кунига ўртача 3-4 қошиқ истеъмол қилиш кўрғошин, фосфор ва бошқа кимёвий моддалар билан заҳарланиш олдини олади.

Зайтун мойи ва олтингугурт талқони аралаштирилиб малҳам шаклида қилинади ва чиққан ҳамда шикаст етган жойга кунда ўн кун давомида суртилади. Бу касалликнинг тез ўтиб кетишига сабаб бўлади.

Зайтун мойи ва глицериндан тенг микдорда олиб кислотали лимон шарбати билан бир неча томчи аралаштирилади ва у билан тери, қўл ёки оёқ мойланиб кунига икки-уч марта енгил массаж қилинади. Бу юзнинг юмшаши ва ундаги дағалликни, қўл ва оёқдаги ёрилишларни тузалишига олиб келади.

Зайтун мойи билан сочли бошни кунига (I хафта муддатида) 6-8 дақиқа

давомида массаж қилиш учуи ишлатилади. Бу бошдаўрнашиб қотиб қолган кирларни кетиши, сочнинг бақувват ва кўпбўлишига, силлиқ, мулойим ва гўзал бўлишига олиб келади.

Зайтун мойи оддий-енгил куйган терилар учун ҳам ишлатилиб, унда бир дона тухум оқи ва икки қошиқ зайтун мойи аралашмаси олинади ва эрталаб бир марта кечқурун бир марта шикастланган жой мутлақо уқаланмасдан (массажсиз) пахталик мато билан ўраб қўйилади.

Зайтун мойи майдаланган саримсоқ пиёз билан аралаштирилади ва жароҳатга боғланади. Бу жароҳатнинг қуриши ва уни тез соғайишига олиб келади.

Тозалаш жараёнида зайтун мойи ўзининг юқори сифатини бирмунча йўқотади. Унинг туси оч сариқ ёки тўқ тилларанг бўлади. Тозаланмагани эса олий нав ҳисобланиб, уни фарқлаш осон. Тозаланган ёғни ишлатиш қулай, у ҳидсизлантирилгани боис кучли таъмга, ёрқин рангга эга. Тозаланмаган зайтун мойи зарур моддаларни ўзида кўпроқ сақлаб қолгани сабабли у жуда фойдали. Кўриниши тилларанг эмас, балки нимяшил сариқ рангга бўлади. Аниқланишича, зайтун мойи инжик, жой танловчи ёғ ҳисобланади. Агар уни сақлаш йўлини билмасангиз, таркибидаги инсон саломатлиги учун керак бўлган моддалар парчланиб кетади. Аввало, сотиб олган маҳсулотингиз ҳақиқий ёки қалбаки эканини аниқлаш мақсадида уни бироз вақт музлатгичда сақланг. Ҳақиқий зайтун мойининг (тозаланган, тозаланмагани ҳам) фақат устки қавати совуқҳароратда юпқа оппоқ тусга кириб қолади. Хона ҳароратида эса яна аввалги ҳолига қайтади. Таркибидаги кўп миқдорли қаттиқ ёғ совуқ ҳароратда қотади.

Барча ўсимлик ёғларининг учта душмани бор: ёруғлик, ҳарорат ҳамда иқлим.. Ҳеч қачон ёғнинг устини очикҳолда ёки газ плитаси устида қолдирманг.

Иссиқда қолган мой негизидаги фойдали моддалар буғланиб кетади. Зайтун мойини газ плитасида қайта-қайта қиздириб ишлатманг. Такрор ишлатганда унинг фойдали моддалари заҳарли унсурларга айланади.Зайтун мойини ичиш заҳарланишдан фойда беради. Қоринни бўшаштиради, оғриғини қолдиради ва кўртни ҳайдайди. Зайтун мойидан бошқа ҳамма мойлар меъдани заифлаштиради. Ҳазми енгил бўлганидан табиблар уни гўдак энди сутдан чиқиб таом ейишни бошлаганда болага нонга суриб беришни маслаҳат беришади. Хусусан, кўк зайтун юқоридаги хусусиятларга эга.

Зайтун мойи буйрак, ўт, қовуқдаги тошни туширади. Кўз хиралигига барҳам беради. Уни истисқо касалида қоринга суртиш мумкин. Тиббиётда чаён солиб қўйилган зайтун ёғи энг қимматбаҳо дори ҳисобланади. Қонайдиган милкларга ушбу мойдан суртилса, оғиз чайилса кимирлаган тишларни мустаҳкам қилади. Оғриган кулоққа томизилса, у тезда кишини дарддан фориғ этади. Зайтун мойи билан жило берилган сочлар янада чиройли ва қоп-қора бўлиб, соч илдизлари бақувватлашади, Зайтун сути қўшилган шампун ва косметик воситалар ноёб маҳсулот саналади. Улар сочни, юзни соғломлаштириш ва кишини ёшартириш хусусиятига эга экани билан алоҳида аҳамият касб этади. Юздаги ажинларга ҳам кунора зайтун мойидан суртсангиз ажинлар изини беркитади. Таркибида тери тўқималарини тикловчи дармондорилар мавжуд бўлиб, фақатгина шу дармондори терини ёшартириш хусусиятига эгадир.

Зайтун қуёш, денгиз шамоли ва ерости сувлари таъсирида ўсади ва минг дардга даво ҳисобланади. Зайтун мойи барча учун бирдек фойдали. У инсон

танасида моддалар алмашинувини яхшилайти. Унинг таркиби А, В, Е, К каби витаминларига бой. Ичак фаолиятини мўътадиллаштирати, холестеринни камайтирати. Зайтун ёғи ичакни саратон касалликларидан асрайти. Сафро ҳайдаш ва ични ювиш хусусиятига эга. Ич қотиши, ошқозон, жигар касалликлари, ўт пуфағи (холецистит) ёки ичак шамоллаши(колит)да тавсия этилади. Зайтун мойи қариш жараёнини секинлаштирати.

Хотира пасайишининг олдини олади. Аёлларнинг ҳомиладор бўлишида фойда беради.

Зайтун мойини суркаш лабни чиройли қилади, қовоққа сурилса, кўзни қувватлантирати.

Ошқозон оғриганида наҳорда ва ётиш олдидан бир ош қошиқ доғланган зайтун мойи ичиш тавсия этилади.Зайтун меваси таркибида юздан ортик мод-далар, асосан, мой, оксил, гликозидлар, дормондорилар бор. Шундай экан, ушбу экин турини мамлакатимизда ҳам кўпайтириш маҳаллий саноат тараққиётига хизмат қилади.

4.4.1 расим



Зайтун меваси ва мойининг фойдали хусусиятлари

Кейинги йиллардаги тадқиқотлар зайтун меваси нафақат ёқимли таом, балки яхши соғлиқ манбаи ҳам эканлигини аниқлади. Зайтун мевасига қўшимча равишда, зайтун мойи ҳам муҳим озуқа манбаидир. Унинг соғлиқка келтирадиган фойдаларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Юрак томирлари ва артериал соғайиш учун фойдалари

Зайтун меваси ва зайтун мойидаги айрим ёғ кислоталари моно тўйинмаган ҳисобланади. Моно тўйинмаган ёғ кислоталари таркибида холестерин бўлмайди. Шу сабабли зайтун мойи холестерин миқдорини оширмайди, балки уни назорат остида сақлаб туради. Зайтун мойи таркибида инсон танаси учун муҳим бўлган омега-6 линолеик кислотаси ҳам мавжуд. Мана шу хусусияти туфайли соғлиқ муаммолари билан шуғулланувчи (Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти каби)

ташкilotлар аҳолиси артерия қон томирлари атеросклерози ва қандли диабет касаллиги билан кўп оғриган давлатларда истеъмол қилинадиган ёғ кислоталарининг камида 30% омега-6 дан иборат бўлиши кераклигини тавсия қилади. Бу зайтуннинг аҳамиятини янада кўпроқ оширади.

Бу соҳада олиб борилган изланишлар бир ҳафта давомида кунига 25 милли-литр (тахминан икки чой қошиқ) табиий зайтун мойи истеъмол қилган одамларда кам миқдорда зичлиги кичик липопроtein (ўта зарарли холестерин) ва кўп миқдорда антиоксидловчи мавжуд бўлишини аниқлади. Антиоксидловчилар танадаги эркин радикаллар деб номланадиган зарарли моддаларни нейтраллаш ва хужайра бузилишининг олдини олиши сабабли жуда муҳимдир. Кўплаб изланишларда яна шу нарса аниқландики, зайтун мойини истеъмол қилиш холестерин миқдорини камайтиради ва юрак касаллигининг олдини олади.

Зайтун мойи қон оқимидаги зарарли холестерин (зичлиги кичик липопроtein) миқдорини камайтириш ва фойдали холестерин (зичлиги юқори липопроtein) миқдорини кўпайтириши боис у юрак ҳамда артерия қон томир касалликлари билан оғрийдиган беморларга ҳам тавсия этилади. Юрак ва артерия қон томир касалликлари кўп учрайдиган мамлакатларда одатда юқори холестерин таркиби тўйинган ёғлар истеъмол қилинади.

Бундан ташқари, зайтун мойи омега-6 нинг омега-3 га бўлган нисбатга зарар етказмайди. Омега-3 ва омега-6 ларнинг танада муайян миқдорда бўлиши жуда муҳим. Чунки буларнинг нисбатидаги ҳар қандай номутаносибликлар кўпгина касалликлар, айниқса, юрак, иммун тизими ва саратон касалликларининг ривожланишига сабаб бўлади. Шу сабаблар туфайли кўпчилик одамлар зайтун мойи шарофати билан ўз саломатликларини яхши аҳволда сақлаб туришади. Америка Юрак саломатлиги ассоциацияси юрак хасталиги хавфини камайтириш учун кўп миқдордаги монитўйинмаган ёғлар 30% гача ёғи камайтирилган таомга

муқобил бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Саратон касаллигининг олдини олиш.

"The Archives of Internal Medicine" (Ички тиббиёт архивлари) номли нашрда чоп этилган бир изланиш кўп миқдорда монотўйинмаган ёғ истеъмол қиладиган аёлларда кўкрак саратонининг камроқ ривожланиш хавфи туғилиши ҳақида ёзади. Буффало университети ҳамда Нью-Йорк давлат университети олимлари томонидан олиб борилган бошқа бир изланиш эса зайтун мойи каби ўсимлик мойларида топиладиган ёғ, яъни бситосреол, простатада саратон хужайралари пайдо бўлишининг олдини олишда ёрдам беришини исботлади. Тадқиқотчилар шундай хулосага келишдики, b-ситосреол хужайралар бўлинишига буйруқ берадиган хужайранинг ички алоқа тизимини кучайтиради ва шу йўсинда хужайра бўлиниши бошқариб бўлмас даражага етмасдан саратон касаллигининг олди олиниши мумкин. Оксфорд университетида шифокорлар томонидан ўтказилган тадқиқот зайтун мойи ичак саратонига қарши ҳимоявий таъсирга эга эканлигини кўрсатди. Шифокорлар зайтун мойи ичак саратони бошланишининг олдини олиш учун ошқозон кислотаси билан реакцияга киришишини аниқладилар. Оксфорд университети тадқиқотчилари яна шу нарсани аниқлашдики, зайтун мойи сафро миқдорини камайтириб, диамин ферменти оксидазасининг миқдорини кўпайтиради ва шу тариқа организмни нормал хужайра ўсиши ҳамда саратондан ҳимоя қилади.

Артритнинг олдини олиши.

Тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, кўп миқдорда зайтун мойи ва пиширилган сабзавотлар истеъмол қиладиган одамларда ревматик полиартрит, бўғимларнинг сурункали яллиғланиши касаллигига чалиниш хавфи кам бўлар экан.

Зайтун мойи ва суяклар.

Зайтун мойи таркибида мавжуд бўлган E, A, B, D ва K витаминлари катталар ва болаларда суякларнинг ўсиб ривожланишига ёрдам бериши ва калций миқ-дорини барқарорлаштириш орқали суякларни мустаҳкамлаши нуктаи назаридан айниқса аҳамиятлидир. Улар осон ҳазм бўлиши ва ўз минераллари орқали танада витаминларнинг ишлатилишига ёрдам бериши туфайли ёши катталарга ҳам тавсия этилади. У суякнинг минералланишини кўпайтириш орқали кал-ций йўқолишининг ҳам олдини олади. Суяклар организмнинг минерал структура омбори ҳисобланади. Суякларда минерал моддалар тўпланишининг йўқолиши суякнинг мўртлашиши каби жиддий асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Зайтун мойи бу масалада энг фойдали таъсирга эгадир.

Қаришнинг олдини олиши.

Зайтун мойи таркибидаги витаминлар ҳужайрани янгилаш хусусиятига эгаллиги сабабли улар қарияларни даволашда ҳамда терини озиқлантириш ва ҳимоя қилишда ҳам ишлатилади. Озиқ-овқатлар танамизда энергияга айланиши сабабли оксидловчи деб номланадиган маълум моддалар ҳосил бўлади.. Зайтун мойининг таркибида учрайдиган кўп миқдордаги антиоксидловчилар зарарли моддалар келтирадиган зиённинг олдини олади. Ҳужайраларни янгилайди ва тўқима ҳамда органларнинг қаришини кейинга суради. Зайтун мойи E витаминига ҳам бой бўлиб, бу витамин танамиздаги ҳужайраларни нобуд қилувчи ва қаришга сабаб бўлувчи эркин радикалларни йўқотади.

Қон босимида зайтун мойи фойдаси.

2000 йил 27 мартда "The Archives of Internal Medicine" (Ички тиббиёт

архивлари) нашрида чоп этилган бир изланиш яна бир бор зайтун мойининг юқори қон босимиға нисбатан фойдали таъсирига урғу беради. Юқори қон босимини тушириш учун қўлланадиган дориларнинг кўплари зайтун баргларида тайёрланади.

Ички аъзолар учун манфаати.

Зайтун мойи иссиқ ёки совуқ ҳолда истеъмол қилинишидан қатъий назар, ошқозон кислотаси миқдорини камайтириш орқали ошқозонни гастрит ва яралар каби касалликлардан ҳимоя қилади. Шунингдек, ўтнинг ҳаракатга келтириб, унинг фаолиятини яхшилайдиган. У ўт пуфагидан чиқадиган суюқликни тартибга солади ва ўт пуфагида тош пайдо бўлиш хавфини камайтиради. Зайтун мойининг таркибида хлорид мавжуд бўлиб, у жигар фаолиятига ёрдам беради ва шу тариқа ортиқча маҳсулотларни танадан йўқотишга кўмаклашади. У мия артерияларига ҳам фойдали таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда кўпчилик олимлар зайтун мойига асосланган овқатланиш тартиби идеал озукавий моделни ташкил этади, деб ҳисоблашади. Бундай фазилятга эга зайтун мойи ҳар бир кишининг кундалик овқатланиш дастуридаги ҳар бир таомнинг асосий таркиби бўлиши керак.

Бола ривожланишига қўшадиган ҳиссаси.

Зайтун меваси ва зайтун мойида мавжуд линолеик кислота (омега-6 ёғ кислотаси) туфайли улар янги туғилган чақалоқҳамда ўсаётган болалар учун соғлом озук ҳисобланади. Линолеик кислотанинг етишмаслиги болаликда ўсишдан орқага қолишда ва турли тери касалликларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Зайтун мойи таркибида танамиздаги зарарли моддаларнинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қила оладиган антиоксидловчи элементлар ва инсон

саломатлиги учун катта аҳамиятга эга ёғ кислоталари мавжуд. Булар танадаги гормонларга қувват бўлади ва хужайра мембранасининг шаклланишига ёрдам беради.

Зайтун мойи она сутидаги каби мувозанатлашган политўйинмаган таркибга эга. Зайтун мойи инсон танасидан олиб бўлмайдиган ёғ кислоталарнинг етарли манбаи бўлганлиги сабабли бола танаси учун катта аҳамиятга эга. Бу омиллар зайтун мойининг янги туғилган болалар учун жуда муҳимлигини кўрсатади.

Бола мияси ва асаб системасининг табиий ривожланишига ўз хиссасини қўшиши боис, зайтун мойи мутахассислар томонидан ҳомиладор аёллар ва оналарга истеъмол қилиш учун тавсия этиладиган ягона мойдир. Зайтун мойи таркибида она сутидагига тенг микдорда линолеик кислота мавжуд. Ёғсиз сигир сутига зайтун мойи қўшилганда, у она сутига тенглашиб, табиий озуқа манбаига айланади.

4.5. Зайтун навлари.

1. Аттуфааҳий Олмасимон нав: бу нав-зайтуннинг навлари ичида ҳажм жиҳатидан энг каттаси, пўсти юпқа ва юмшоқ. У сақлаш ва тузлаш (ачитиш)га чидамсиз. Мой микдори меваларида 5-7% дан оз. Мева ранги пишиб етилишидан олдин очяшил. Пишиб етилганидан сўнг яшил.)Меваси катта узун. Мой микдори кўп, у август ва сентябр ойларида пишиб етилади.
2. Ал-ажиз ал-ақсо унинг меваси Ал-аъжизий аш-шамийга ўхшайди. Лекин ундан ҳажм жиҳатидан кичкина. Унинг меваси яшил ва қора тузлашга ярайди. (яъни зайтун тўлиқ пишиб етилишидан аввалги тузлаш яшил тузлаш, тўлиқ пишгандан кейинги тузлаш эса қора тузлаш дейилади.)У сентябр охирлари ва октябр бошларида пишиб етилади.

3. Ал-ватиқан меваси ўртача ҳажмда. Уруғи силлиқ ва унинг мевасида эти ёки гўшти нисбатан озроқдир. Уруғларида (19-23%) мой миқдори мавжуд. Яхши тузланади. Узоқ муддат сақлашга яроқли,бу навнинг дарахтида мевалар кўп ҳосил бўлади, меваси сентябрнинг охири ва октябр ойининг бошларида пишиб етилади.

4. Манзанилулу ўрта ҳажмдаги мева. Шакли нисбатан думалокқа мойил. Унинг вазни 5 дан 6 гр гача бўлади. Уруғдаги мой миқдори 16-20%, меваси яшил ва қора тусда бўлиб, тузлашга яроқли. Унинг уруғида гўшти кам, силлиқдир. Сентябрь- октябр ойларида мевалари пишиб етилади.

5. Каламата ўрта ҳажмдаги узунчоқ мева. Вазни 3 гр дан 5 гр гача. Уруғи гўштсиз силлиқдир. Ёғ миқдори баланд (18%).Қора тузлаш учун ишлатилади.

6. Мийш мевасининг ҳажми юқоридаги навлардан кичикроқ. (Ўртача ҳажмда). Узунга мойил унинг вазни 4 гр дан 6 гр гача. Уруғи гўшт билан қопланмаган, мой миқдори 15-20%.Тузлашнинг иккала турида ишлатилади. У Сентябрьдан октябройигача пишиб етилади.

7. Куратина ўрта ҳажмдаги мева. Мой миқори 17-21%.Меваси тузлаш учун яроқли. Сентябрь ва октябр ойларида пишиб етилади.

8 Лийшу Увил Курну мевалари ўрта кичик вазнлидир. Вазни 2,5 гр. Уруғига мева эти ёпишмаган ёки гўшт билан қопланмаган силлиқдир. Мой миқдори 18-24%. Асосан мой олиш учун ишлатилади. Меваси сентябр ва октябр ойларида пишиб етилади.

9. Кузалийфа меваси катта ҳажмда. Уруғи меваси вазнига нисбатан кичик. Мой миқдори 26-31%. Сермаҳсул. Мой олиш ва тузлаш учун яроқли. Меваси сентябр ва октябр ойларида пишиб етилади

4.6. Сурхондарё вилоятида Зайтун ўсимлиги етиштирилаётган майдонлар.

Сурхондарё Вилояти Шўрчи тумани Зайтунзор боғдорчилик фермер хўжалигида экилган майдони икки гектарни ташкил этган, 5:5 схемада экилган. Хўжаликнинг раҳбари Махмудов Хайдархон хожи.

4.6.1 расим



Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Акрам бобо Зайтунзор боғдорчилик фермер хўжалигида экилган майдони уч гектарни ташкил этган, 5:5 схемада экилган. Вегитация усулида кўпайтирилмоқда. Етиштирилаётган бир йиллик кўчатларнинг бўйи 1 метрни ва икки йиллик кўчатларнинг бўйи 1,5-2 метрга етди. Янги экилган кўчатлар сони 600та ни ташкил қилади.

4.4.2 расим



Иссиқхонада етиштирилаётган зайтун ўсимлиги.

4.4.3 расим



Дала шароитида етиштирилаётган зайтун кўчатлари

ХУЛОСАЛАР

Юқорида зайтун доривор ўсимлигининг турли хилдаги хусусиятлари билан танишиб чиқдик. Айниқса уни хар хил касалликларга даво бўлиши ахамиятлидир. Бу эса инсон саломатлигини тиклашда муҳим ахамият касб этади. Инсоният учун энг зарур маҳсулотлардан бири ўсимлик мойидир, зайтун барги таркибида: минерал тузлар, олтингугурт, органик кислоталар, ёғ кислотаси ва таркибида танин моддасимавжуд, нордон ва организмди фаоллаштирувчи ва дезинфекцияловчитурли зарарли модалардантозаловчи модалар мавжуд.

Лаборатория шароитида ҳаво ҳарорати 15⁰-40⁰ оралиғида ўзгариб турди ҳарорат кўтарилгани сари зайтун доривор ўсимлигининг ўсиш тезлиги юқори бўлиб, ҳарорат совигани сари ўсимлик ўсиш тезлиги сусайгани кузатилди. Декабрь ойида ўсимликни бўйи 75-93 см ён шохлар сони 7-15 тага, барглар сони эса 186-340 тага ён шохлар узунлиги 48-74

см га етди Дала тажрибамиз Жарқўрғон туманида олиб борилмоқда Зайтун доривор ўсимликнинг баландликнинг ҳозирги кунда 1 м 20 см ни ташкил этди. Ўсиш ва ривожланиши жуда яхши. Туплар орасидаги майдон 3-4 метрни ташкил этди.

Олинган тажриба натижаларига ҳамда чоп этилган адабиётларга асосланиб шуларни хулоса қилиш мумкинки, доривор Зайтун дарахтини уруғларидан, қаламчаларидан, илдиз бачкилар ва пайванд йўли билан кўпайтирилади. Зайтун дарахтини экиш мевали дарахтларга ўхшаб экилади. Азотли, фосфорли, калийли ўғитлар ва гўнг бериш ҳосилдорликни бир неча баробарга оширади.

Республикамизда юқорида айтиб ўтилган шароитлар ва иқлим шароити дан келиб чиқиб жанубий туманлар Шеробод, Жарқўрғон, Шўрчи, Ғузор туманларида ривожлантириш яхши натижа беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

. Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”-Т.: “Ўзбекистон” 2006 ;
2. Каримов И.А. “Дехқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи” –Т.: “Ўзбекистон” 1995;
3. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалик тараққиёти тўқин ҳаёт манбаи”-Т.: “Ўзбекистон” 1998;
4. Ёрматова Д.Ё. “Суюқ олтин ёки мойли зайтун”. Мақола. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2007 йил январь №1 0.1 бет.

5. Ёрматова Д.Ё. “”Мукаддас дарахт . Мақола “Фермер” журналы №5, 2007 й.
0.2 бет.
6. Ёрматова Д.Ё. “Ўзбекистон зайтунзорлари”. Мақола. Фермер журналы 2007
йил март 0.3 бет.
7. Ёрматова Д.Ё “Суюқ олтин ёхуд мойли зайтун”. Тезис. Илмий тўлам
тўплам. Биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш 2007 йил 5-6 июн.
Гулистон 0.1. бет.
8. Ёрматова Д.Ё. “Молий экинларни етиштириш истикболлари”. Мақола.
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги журналы 2009 йил 7-сон 0.1
9. Ёрматова Д.Ё. зайтун йтиштириш Тошкент – 2010
10. Мубашшир Аҳмад “Суюқ олтин зайтун” Тошкент-"Мухаррир" нашриёти
2011
11. Нажмиддинов Ж.Н., Ғаффоорова С.М. Зайтуннинг интродукцияси.
Тошкент. 1997й
12. С.А.Азимбоев “Мелиорация юқори ҳосил гарови” Тошкент 1993 й.
“Ўзбекистон” 1981 й.
13. С.А.Азимбоев “Дехқончилик, тупрокшунослик ва агрокимё асослари”
Тошкент 2006 й.
14. Ж.Алиев, Г.Омонова “Агросаноат комплексларини ривожлантиришда
чиқиндилардан фойдаланиш технологияси” Тошкент 2006 й.
15. Беспалов Н.Ф., Авлиёқулов А. Э., Ёдгоров А.Х. “ғўзани суғориш ” тошкент
ўзбекистон 1977 й.
- 16.Безбородов Ю.Г. Московская сельскохозяйственная Академия им.

Тимирязева 2003 й.

- 17.Вишнякова Н.М. “Микроклимат и урожай” при мульчировании почвы плёнкой 1971 й.
18. Абдурахмонов А.А. Особенности цветения и плодоношения дальневосточных растений в условиях Ташкента Интродукция и акклиматизация растений . Вып .10, Ташкент : Фан, 1973, С.20-25,
- 19.Азимбаев С.А . Почвы южной части Узбекистана их мелиоративное состояние. Ташкент : Фан,1991,140с.
- 20.Ахмедова Х.Д. Интродукция видов магнолий в Ботанический сад АН Республики Узбекистан. Тезисы докл. 2-й междунар. Конф Анализ и прогнозирование результатов интродукции декоративных и лекарственных растений мировой флоры в ботанические сады. Минск : Технология, 1996.С.3-4.
- 21.Бабажанов Р. Отношение интродуцентов к повышенной летней температуре воздуха в условиях Ботанического сада им.А.Темура.
22. Белопольский И.В. Опыт интродукции травянистых растений природной флоры Средней Азии (Экологоинтродукционный анализ): Автореф. Дисс...докт.биол.наук.М.,1983.43 с.
- 23.Вавилов Н.И.Учение о происхождении культурных растений после Дарвина //Советская наука.1940,Н 2.с.55-76.
- 24.Вавилов Н. И. Проблемы новых культур //Избранные труды. Т. 5. Мю-Л: Наука, 1965. С. 537-563.
- 25.Ёзиев Л. Х. Оценка перспективности древесных растений по результатам их интродукции в Южный Узбекистан. Узб. биол. журн.

И2/3. 1995а .С. 33-36.

26. Ёзиев Л.Х. О цветении древесных интродуцентов Южный Узбекистан //Интродукция и акклиматизация растений. Вып. 2. 5. Ташкент: Фан, 1996 б. С.25-29.

Қўшимча адабиётлар

1. Ёзиев Л.Х. Зима 2007/2008 гг. и её влияние на интродуцированные древесные растения Южный Узбекистана.
2. Камолова М.Д. Тураханов А.В. К вопросу интродукции некоторых пищевых красильных растений.
3. Карзенков П.Ю. Цветение и плодоношение некоторых видов пальм в условиях интродукции.
4. Марказ Ал-бухус аз-зиробийа. “Ал-қиймату ал-ғиззойиату лил симор ва авроқ ва зайт аз-зайтун. 2000 йил. Биринчи нашр.
5. М.Мухаммад Аҳмад ал-Хусайний. “Зиробату ашжор ал-фаакихати фил арозий ал-жадийдати ва ал-мустаслахати”. Ибн Сино кутубхонаси. 1989 йил.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

1. <http://www.agro.uz>
2. <http://www.agroculture.uz>
3. <http://www.greenpark.kh>.
4. <http://www.Google.ru>
5. <http://www.Ziyo-net>
6. <http://www.shifo.uz>
7. <http://www.arxiv.uz>

8. <http://www.Zaytun.ru>
9. <http://www.zaytun.org>
10. <http://www.zaytung.com>
11. <http://www.zaytunegrill.com>

Интернет маълумотлари

Зайтун ҳақида 10 та маълумот

1. Инсон цивилизациясинг илк қадамлари деб бемалол зайтун мевасини маданийлаштирилишини эътироф этиш мумкин, археологлар маълумотларига қараганда милоддан аввалги 3000 йилларда Критда зайтун ўстирила бошланган. Анча вақт зайтунни Критда ва Сирияда алоҳида ўстириб келишган.
2. Зайтун анча вақт давомида Миной подшоҳлигининг асосий даромад манбааси бўлиб келган. Кейинчалик эса финикиялик денгизчилар зайтунни Ўртаер денгиз қирғоқлари бўйлаб тарқатиб юборганлар.
3. Қадимдан зайтун ёғи диний макомга эга бўлиб келган. Мухаммад пайғамбар ҳам зайтун ёғини ўз издошларига баданларига суришни маслаҳат қилганлар, христиан динида эса зайтун ёғи кўпинча мой суртиш маросимларида ишлатилади. Кўп маданиятларда зайтун ёғини кўмишдан олдин мурдаларга суришган.
4. Кўчманчилар Америкага (Янги Юртга) узум билан бирга шунингдек зайтунни ҳам олиб кетишган –зайтун нафақат озуқа сифатида балким диний маросимларда ҳам ишлатилган. Ҳозирги кунда Калифорния Ўрта денгиздан ташқаридаги асосий зайтун етказиб берувчилар сирасига кириб қолган (аммо зайтун сифати унчалик яхши эмас).
5. Зайтуннинг ўртача умри – 500 йилни ташкил этади, айрим зайтун дарахтлари

умр давомийлиги эса 1500 йилни ташкил этади. Иерусалимдаги Зайтун (Елеон) тоғидаги зайтун дарахтлари ўртача ёши тахминан 2000 йил деб баҳоланади.

6. Яшил ва қора зайтунларнинг орасидаги ягона фарқ уларни етилганлигидадир: етилган зайтун мевалари қора рангда бўлади.

7. Зайтун ҳосилининг 90 фоизи зайтун ёғи ишлаб чиқариш учун ишлатилади, ва деярли зайтун ўстириш учун ажратилган ерларнинг 98 фоизи Ўртаер Денгиз ҳудудида жойлашган. Умумий ҳисобда Овропада 500 млн.га яқин зайтун дарахтлар мавжуд.

8. Зайтун меваси ноябр – мартда гуллаш вақти тугаганидан сўнг 6-8 ой ўтгач терилади. Агарда зайтун меваси ёғ ишлаб чиқариш учун етиштирилган бўлса у узилган захоти босувчи мосламага жўнатилади. Шунингдек зайтун ёғи – махсус ишловсиз истеъмол қилса бўладиган ягона ёғ тури ҳисобланади.

9. Янги терилган зайтун мевасини истеъмол қилиб бўлмайди, чунки улар бу вақтда жуда аччиқ бўлади. Уларни истеъмол қилиш учун ишқорлаш ва/ёки денгиз тузида ёки тузли сувда консервалаш керак бўлади. Бу амал медицинада кенг қўлланадиган олеуропеин (масалан қон босимини тушириш учун) моддасини чиқариб юбориш учун қилинади, ушбу модда зайтун мевасида ва баргларида мавжуд бўлади.

10. Ҳар хил давлатларда зайтунни қайта ишлаш турли хил йўллар билан амалга оширилади. Шундай қилиб Юнонистонда зайтун мевалари ишқорланмайди, улар 6-12 ойга тузланади, бунда улар жуда кучли таъмга эга бўладилар. Ўз навбатида Испания яшил зайтун мевалари етилишидан аввал терилади ва ишқорланиб ферментация учун намакобга солиб қўйилади.<http://www.Ziyo-net>

Zaytun yog'ining foydalari

Zaytun yog'i tarkibida inson salomatligi uchun zarur bo'lgan ko'plab xususiyatlar

mavjud. Uni doimiy iste'mol qilish bilan ko'plab kasalliklar oldi olinadi va bemorlikdan shifo topiladi. Quyida zaytun yog'ining foydalari xususiyatlarini sanab o'tamiz:

– zaytun yog'i tarkibida to'yinmagan yog' kislotalari – olein kislotalari bo'lib, u inson organizmidagi xolestirinni parchalab, qon tomirlari devorini mustahkamlaydi;

– undagi linol kislotalari tanadagi jarohat va yaralarning tez bitishiga va ko'z ravshanligiga yordam beradi;

– yurak-tomir kasalliklarining oldini oladi;

– ovqat hazm qilish a'zolariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi;

– oshqozon, ichaklar, oshqozon osti bezi va jigar faoliyatini yaxshilaydi;

– oshqozon va o'n ikki barmoqli ichakdagi yaralarni tuzatadi;

– ichni ravon qiladi;

– organizmning yosharishiga yordam beradi;

– zaytun yog'ini har kuni iste'mol qilish yurak-tomir tizimidagi stenokardiya, infarkt, saraton, xususan ayollardagi ko'krak saratoni, qandli diabet, semirish kasalliklari xavfini kamaytiradi;

– zaytun yog'i tarkibidagi moddalar qondagi zaxarli xolestirin va triglitsirid miqdorining oshib ketishiga yo'l qo'ymaydi;

– inson suyagini mustahkamlaydi;

– yuqori arterial qon bosimini normallashtiradi;

– bavorir (gemoroy) kasallini davolaydi;

– qarilikni sekinlashtiradi, uzoq umr bag'ishlaydi;

– zaytun yog'i teriga surtilsa, uni chiroyli qiladi;

– zaytun yog'i labga, qovoqlarga surkab turilsa, labni chiroyli qiladi, ko'zni quvvatlantiradi;

– soch va tirnoq o'sishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi;

– tish va milklarni mustahkamlaydi.

Qo'llanilishi: Zaytun yog'i kattalar uchun bir osh qoshiqda kuniga 2-3 mahal ovqatdan 30 daqiqa oldin iste'mol qilinadi. <http://www.zaytun.org>

Zaytun – foydali va shifobaxsh

O'zA, Sayyora Shoyeva, 22.05.2010 09:14

Prezidentimiz Islom Karimovning 2006 yil 9 yanvarda qabul qilingan “Meva-sabzavotchilik va uzumchilik sohasida iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi farmoni sohani yuksaltirish, zamonaviy usullarni keng joriy etish, bog'bonlarning ilg'or tajribasini ommalashtirish, mevali daraxtlarning yangi, serhosil navlarini yaratishda muhim omil bo'layotir.

Mazkur farmonga ko'ra, meva-sabzavotchilik tarmog'ini tubdan takomillashtirish, bu yo'nalishdagi innovatsion tadqiqotlarni amaliyotga jadal joriy qilishga alohida e'tibor qaratilib, yangi bog'lar yaratish, mavjudlarini kengaytirish tadbirlari amalga oshirilmoqda. Shu jarayonda yangi turdagi daraxt ko'chatlarini yurtimiz iqlimiga moslashtirish muhim ahamiyat kasb etayotir. Ana shunday daraxtlardan biri zaytundir.

– Zaytun issiqsevar bo'lib, qulay ob-havo sharoitida yaxshi o'sadi, – deydi qishloq xo'jalik fanlari doktori Dilorom Yormatova. – U hosilga kirgunga qadar ko'chatlari orasiga bug'doy, soya, makkajo'xori kabi ekinlarni ekish mumkin. Shu bois olimlarimiz dunyo miqyosida eng dorivor va sifatli deb tan olingan zaytun daraxtini ko'paytirish borasida izchil izlanmoqdalar. Tarixiy ma'lumotlarga qaraganda, zaytun XIV-XV

asrlarda O'zbekiston hududida ham o'sgan. E'tiborlisi, mazkur daraxt tog' va tog'oldi hududlarida ekilsa, tuproqni sel yuvishi va eroziyadan saqlaydi.

Bugungi kunda har qarich yerdan unumli va samarali foydalanayotgan mulk egalari aholining sifatli moy mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirishda o'z hissasini qo'shish niyatida tashqi noqulay sharoitga chidamli, o'sish uchun joy, tuproq tanlamaydigan mazkur o'simlikni tog'oldi yon bag'irlari, adirlar va lalmi maydonlarda ekib, hosil yetishtirishga bel bog'layotir. Bu jarayonda mirishkorlarimizga olimlarning zaytun yetishtirish agrotexnikasi, uning seleksiyasi yo'nalishidagi tavsiyalari va izlanishlari qo'l kelayotir.

Hozirda R.Shreder nomidagi bog'dorchilik, uzumchilik va vinochilik ilmiy-tekshirish instituti hamda Toshkent davlat agrar universiteti olimlari hamkorlikda yurtimizda zaytun ko'chatlarini yetishtirish, iqlim sharoitimizga moslashtirish borasida muayyan ishlarni amalga oshirmoqda.

Mutaxassislarning ta'kidlashicha, zaytunning dunyo miqyosida 600 ga yaqin turi mavjud. Asosan Ispaniya, Italiya, Gresiya, Portugaliya kabi mamlakatlarda keng ekiladi. 1000 yilgacha yashaydigan zaytun bargidan ildiziga qadar inson salomatligi uchun foydali vosita hisoblanadi. Uning mevasida 80 foiz, mag'zida 30 foizgacha moy hamda oqsil, uglevod, A, V, S, Ye va R vitaminlari kabi inson uchun foydali o'nlab elementlar mavjud bo'lib, to'yinmagan moy kislotalari kam bo'lgani uchun xolesterin miqdorining ko'tarilishini, yurak-qon tomir kasalliklari hamda qon bosimi oshishining oldini oladi. Ibn Sinoning ta'riflashicha, u buyrak, jigar, oshqozon-ichak kasalliklarini davolashda, turli xildagi shishlarni yo'qotishda, buyrak va qovuqdagi toshlarni tushirishda hamda teri parvarishida qo'llaniladi. Shuningdek, qandli diabetga qarshi profilaktik vosita hisoblanadi.

– Yurtimizda zaytun yetishtirishni yo'lga qo'yish niyatida 25 sotix maydonda uning 15 xil navini issiqxona va ochiq dala sharoitida sinovdan o'tkazib, 3 navini tanlab

oldik, – deydi Toshkent davlat agrar universiteti dotsenti, qishloq xo'jalik fanlari nomzodi Najot Yemelev. – Navlarni tanlashda asosiy e'tibor ularning hosildorligi va mahalliy sharoitga mosligiga qaratildi.

Zaytunni parvarishlash jarayonida agrotexnikaga alohida ahamiyat qaratish zarur. Surxon vohasining Sherobod, Termiz, Denov, Boysun, Oltinsoy, Jarqo'rg'on tumanlari issiqlikka talabchan va yorug'sevar mazkur o'simlikdan mo'l hosil olish uchun qulay iqlim sharoitiga ega.

– O'simlik gullagan paytda uni sifatli changlantirish hosildorlikning bosh omilidir, – deydi O'zbekiston qishloq xo'jaligi ilmiy-ishlab chiqarish markazining bosh mutaxassisi, biologiya fanlari nomzodi Chori Xolmurodov. – Buning uchun asalarilardan ko'proq foydalanilsa maqsadga muvofiq bo'ladi. Zaytun danagidan va qalamchasidan ko'chat yetishtirish yo'li bilan ko'paytiriladi. Danagidan tayyorlangan ko'chat 10-12 yilda, qalamchasidan olingani esa 4-5 yilda hosilga kiradi. Zaytun suvsizlikka va 13-18 darajagacha sovuqqa chidaydi. Qumloq joylar, namli, ohakli tuproqlarda yaxshi o'sadi.

Surxondaryo viloyati Sho'rchi tumanida tashkil etilgan "Zaytunzor" fermer xo'jaligining 20 gektar yerida zaytun ko'chatlari ko'paytirilmoqda.

– 2007 yilda bir guruh fermerlar Turkiyaga borganimizda zaytun yetishtirish texnologiyasi bilan tanishdik, – deydi fermer xo'jaligi rahbari Haydar Mahmudov. – Zaytun qalamchalarini keltirib, xo'jaligimizda ekdik. Asta-sekin undan ko'chat yetishtirib, hozir 20 gektar lalmi yerda zaytunzor tashkil qildik. Rivojlanishi yaxshi. Bu ko'chatlar asosan noyabr oyida ekilishini hisobga olib, kuzda qo'shni fermerlarga yetkazib berish uchun 6 ming dona atrofida zaytun ko'chatlari tayyorlayapmiz. Maqsadimiz – o'simlik moyi ishlab chiqaruvchi korxonalar uchun xomashyoni ko'paytirishdan iborat.

Zaytundan ekologik jihatdan toza moy olingani bois dunyo miqyosida unga bo'lgan talab hamisha yuqori. Mutaxassislarning ta'kidlashicha, zaytun mevasidan 50 foiz birinchi nav moy olinadi. Mevasidan olingan zaytun moyi oziq-ovqat va tibbiyotda ishlatilsa, kunjarasi chorva uchun g'oyat muhim ozuqa hisoblanadi. Yog'ochidan qimmatbaho buyumlar tayyorlash mumkin. G'o'rasi va pishgan mevasi konserva qilinadi.

Zaytun moyi dog'lanmasdan ishlatiladi. Zaytun sanoatda moy ishlab chiqarishni ko'paytirish uchun, tibbiyotda esa bargi uchun yetishtiriladi. Ayni vaqtda yurtimizda zaytun yetishtirish borasida dastlabki dadil qadamlar tashlangan. Uni yanada kengaytirish, samaradorligini oshirish choralari ko'rilmogda.<http://www.zaytung.com>

MEHMONXONA

ZAYTUN

Greklar bir rivoyatni avlodlardan avlodlarga so'zlab yurishadi: emishki, yaxshilik xudosi Afina qizlari bilan qayiqda noma'lum tomonga ketayotlsa, bir kaptar unga novda keltirib, u egilgan tomonga suzishlarini ishora qiladi.

Bunga amal qilgan Afina va bolalari sog'-salomat quruqlikka yetib olib, novdani ekishadi va dastlab uning barglari bilan oziqlanadi. Shu-shu hamon bu yurtda zaytun xosiyatli daraxt sanaladi. Jumladan, ayni payt—da an'anaga aylangan Olimpiada o'yinlari g'oliblariga aynan ramziy ma'nodagi zaytun novdalaridan tayyorlangan gulchambarlar taqib kelinadi. Darhaqiqat, zaytunning shifobaxsh va sermahsul ne'matlar hadya etishini tibbiyot allaqachon isbotlagan. Eng e'tiborlisi, zaytun moyi kimyoviy tarkibiga ko'ra ona sutiga yaqin. Unda inson salomatligi uchun foydali bo'lgan yuzdan ortiq modda bor ekan.

Zaytun moyi yurak-tomir kasalliklari, qon bosimining ko'tarilishiga qarshi ijobiy ta'sir etadi. Jigar faoliyati, o't pufagidan safro ajralib chiqishini yaxshilaydi. Buning

uchun ertalab och qoringa bir choy qoshiqdan ichish tavsiya etiladi. Shu tarzda limon sharbati bilan aralashtirib qabul qilish esa ovqat hazm qilish a'zolarida uchraydigan lyamblya-gijjalardan xalos etadi. Undan tayyorlangan taomlarni muntazam iste'mol qilish ko'krak saratoni kasalligiga chalinish miqdorini 35 foizga kamaytirar ekan. Zaytun moyining bu kabi shifobaxsh xususiyatlari xususida uzoq so'zlash mumkin.

Ayni paytda uning bargi tarkibida ham mineral tuzlar, organik kislotalar, yog' kislotalari, nordon va organizmni faollashtiruvchi va dezinfektsiyalovchi moddalar mavjud. Yuqori qon bosimini, qondagi qand moddasini me'yorlashtirishda yangi uzilgan zaytun bargi qaynatmasini iliq holda ertalab va kechqurun yarimta limon sharbati va bir qoshiq zaytun yog'i aralashmasini iste'mol qilgandan so'ng ikki hafta davomida ichish g'oyatda foydali ekani mutaxassislar tomonidan dalillangan...

Ana shunday ekologik jihatdan toza va salomatligimiz uchun nihoyatda zarur bo'lgan zaytunni avlodlarimiz qachonlardir mamlakatimiz hududida ham yetishtirishganmi? Qishloq xo'jaligi fanlari doktori, professor Dilorom Yormatova ana shu savolga javob izlab, yillab kutubxonalardagi adabiyotlarni varaqladi. O'n beshinchi asrda yashab ijod qilgan al-Xorazmiyning asarlaridan birida zaytun va tok parvarishi xususidagi bitiklaridan boshqa bu xususda biror-bir ma'lumot topa olmadi. Unda ham bu o'simlik qaerda yetishtirilgani haqida to'xtalinmagan edi. Zaytunning xosiyatlari, parvarishi haqidagi ilmlardan boxabar olimlar esa uni respublikamizda yetishtirish mumkin ekaniga ishonardi. Olimlar ana shunday yaxshi niyat bilan 2002 yili boshlangan tadqiqotlar asosida mazkur o'simlikni respublikamiz hududida yetishtirish mumkinligini amalda isbotladi.

Biz O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti bosh binosining kichik bog'ida olimlar tomonidan ekilib, anchagina bo'y cho'zib qolgan zaytunlarni ko'rib, bunga yana bir bora amin bo'ldik. Dilorom Yormatova bilan uyushtirgan suhbatimiz ham zaytun va uni parvarishlash mavzusiga qaratildi.

— Zaytun qanday yo‘llar bilan ko‘paytiriladi?

— Bu o‘simlik urug‘lari, qalamchalari, bachkilari va payvandlash yo‘li bilan ko‘paytiriladi. Ekishga ajratilgan mevalarining mag‘zi va eti qushlarga yediriladi yoki suvga ivitib qo‘yiladi. Ahamiyat berish kerakki, qushlar cho‘qib ketgan mevalardan ko‘kargan novdalar baquvvat bo‘ladi. Urug‘larni namli tuproqqa ekib, ko‘kartirib, keyin novdalaridan 20-25 santimetrlik qalamchalar tayyorlab ekiladi. Payvand qilish eng yaxshi natija berib, daraxtning hosilga kirishi tezlashadi.

Zaytun mutlaqo tuproq tanlamaydi. Lekin yer osti suvlari yaqin maydonlarga ekish tavsiya etilmaydi. Daraxti turli tashqi sharoitlarga o‘ta chidamli bo‘lgani bois, ozgina po‘sti tirik bo‘lsa, shu joydan novda chiqarib hosil beraveradi. Bir gektar yerga 350-400 tup ko‘chat o‘tqazish mumkin. Ekishdan oldin yer haydalib, mineral o‘g‘itlar berilsa, hosildorlik ortadi.

Dastlabki yillarda ko‘chatlar orasiga makkajo‘xori, soya, bug‘doy ekish samaradorlikni oshiradi. Bo‘yining balandligi 1,5 metr bo‘lgandan boshlab shakl berib boriladi. Lekin shuni unutmaslik kerakki, zaytun ekishda uning atrofidagi daraxtlarga e‘tibor qaratmoq shart. Uni shaftoli, anor va dorivor o‘simliklar, shuningdek, pomidor, kartoshka, qovun, qulupnay, g‘o‘zadan uzoqroqqa ekish kerakki, zaytunning ildizlari yuzada joylashgani bois kasalliklarni tez sezib, zararlanishi ehtimoldan xoli emas.

Zaytun daraxtining xususiyatlaridan yana biri, uning uzoq umr ko‘rishidir. U bir joyda bir necha asr meva berishi mumkin. Mustahkam, baquvvat ildizga ega bo‘lgani bois tuproqni sel yuvishi, eroziya va yog‘ingarchiliklardan asraydi.

— Suvga talabchanligi qay darajada?

— Ekilgandan so‘ng dastlabki uch yil davomida 5-6, to‘rtinchi-beshinchi yillarda 2-3 marta, keyin esa mutlaqo sug‘orilmasa ham, qishin-yozin yam-yashil tusga kirib o‘saveradi. Chunki ildizlari mustahkamlanib, pastki qatlamlardagi namni o‘zlashtiradi.

Nam yuqori bo'lsa, kasallikka uchrashi mumkin. Soya-salqin joyni xushlamaydi.

Zaytun rivojlanish bosqichining gul shingilalarini hosil qilishi, meva tugishi va meva shakllanishi pallalarida va yoz oylari davomida suvga qondirilishi lozim. Daraxtlarni gullash davrida sug'orish tavsiya etilmaydi. Sho'rlangan tuproqlarda yomg'ir yog'ayotgan paytda sug'orish eng yaxshi agrotexnik tadbirlardan sanaladi. Bunda tuproqdagi mavjud tuzlarning o'simlik ildizlari joylashgan gorizontlarga tarqalib ketishining oldi olinadi.

— Yerga ishlov berish va o'g'itlashda nimalarga e'tibor qaratmoq joiz?

— Kuzda meva yig'ib olingandan so'ng 20 santimetr chuqurlikda yerga ishlov beriladi. Bahorda daraxt gulga kirishidan avval 15 santimetrgacha yer yuzasining yumshatilishi suv ildiziga yaxshi yetib borishiga yordam beradi. Yozda esa namlikni saqlash uchun 10 santimetrdan oshirmay, yer yuzasi qayta yumshatiladi. Yosh zaytunzor bog'larga superfosfat va kaliy sulfati o'rta hisobda yiliga bir kilogrammdan fevral oyi—da solinadi. Organik va kimyoviy o'g'itlardan fosfor kuz faslida daraxtlar yonidagi maxsus qazilgan chuqurlarga solinadi. Bu chuqurlarni har yili o'zgartirib turishni unutmaslik darkor.

Shuningdek, qish davomida shu chuqurlarga mahalliy va mineral o'g'itlar solib boriladi. Azotli o'g'itlar miqdori martdan iyungacha ko'paytirib boriladi, sentyabrga kelib to'xtatiladi. Chunki qish oldidan novdalarning o'sishi to'xtashi kerak. Fosforli o'g'itlar fevral-iyun, kaliylilari iyun-sentyabr oylarigacha beriladi. Agar bu o'g'itlarning vaqtida va me'yorida berilishiga ahamiyat berilmasa, deylik, tez o'sish ko'p novdalarni hosil qilishi barg hajmining kichiklashuviga, barg tepa qismining qurishi va sap-sariq tusga kirishiga, mevalarining esa kichrayib, yig'ib olishdan oldin tushib ketishiga sabab bo'ladi.

— Daraxtning to'g'ri o'sishini ta'minlashda vaqtida butash muhim agrotexnik

tadbirlardan sanaladi. Shunday emasmi?

— Ko‘chat o‘tqazilganining birinchi yozida undan juda ko‘p novdalar o‘sadi, ya’ni bir tup o‘simlik 12-14tagacha yon shoxlar hosil qiladi. Novdalarning bo‘yi 16-20 santimetrga yetganida, ulardan 6-8 donasi tanlanib, qolganlari qirqib tashlanadi. Yon shoxlarining ko‘pa-yib ketishi asosiy poyaning o‘sishi sustlashishiga sabab bo‘ladi. Bu yozgi birinchi butash sanaladi. Sentyabr oyining oxirlariga kelib oldingi qoldirilgan novdalardan taxminan to‘rttasi tanlab olinadi. Ikki novda o‘rtasidagi masofa 15 sm.dan oshmasligi kerak. So‘ngra uzunligi 35-45 sm.ga qisqartirilib, qolgan novdalar kesiladi. Qish oldidan shu taxlit to‘g‘ri shakl berilishi, qoldirilgan novdalarning o‘z hujayralarida oziq moddalar zaxirasini keragicha to‘plab olishiga imkon yaratadi. Chunki zaytun barglarini to‘kmasa-da, ma’lum miqdorda o‘simlikda tinim davri kuzatiladi.

Yozgi ikkinchi butashda uzun shoxlar hosil bo‘lishi bilan olib tashlanadi, ayonki, ular hosil shox bo‘lmay, o‘simlikning bor quvvatini «so‘ruvchi»dir. Noyabrning oxirlarida qishki ikkinchi butash o‘tkazilib, bunda ikki tomondan kuchli hosil novdalar qoldiriladi va uzun o‘suvsiz hosilsiz shoxlar qirqib tashlanadi. Daraxt cho‘qqisidagi novdalarning qirqib tashlanishi uchinchi yozgi butash bo‘lib, bunda daraxtning bo‘yiga uzun o‘sib ketmasligi, kerakmas novdalarning yo‘qotilishiga e’tibor qaratiladi. Shuningdek, quyosh daraxt oralariga yaxshi tushishi uchun qurigan, bir-biriga zichlashib ketgan shox va novdalar hosildorlikni oshirish maqsadida yoz oylarida butab boriladi.

Zaytun 100-120 yoshga yetganda daraxtni yoshartirish maqsadida 5 metrdan uzun bo‘lgan asosiy shoxlarni, tomirlardan birini yangilash maqsadida tuproq ustidan 70 santimetr bo‘lgan shoxlarni kesish kabi tadbirlar o‘tkazib boriladi.

— Zaytunga qanday zararkunandalar «hujum» qilishi mumkin? Uning alomatlari qay tarzda aniqlanib, qanday kurashiladi?

— Yashil mevalar ustida to‘q qirmizi rangli dog‘larning paydo bo‘lishi meva po‘sti hasharotlarining «oralagani»dan xabar beradi. Buni daf etish uchun fevral oyida daraxt-lar butalgandan so‘ng mineral moylar sepish kerak. Zaytun mevasini zararlovchi urg‘ochi pashsha esa mevada kichik teshiklar hosil qilib, unga tuxum qo‘yadi va mevada bug‘doy rangli dog‘ paydo qiladi. Bu mevaning chirishi va tushib ketishiga olib keladi. Agar shu holat kuzatilsa, mevalar pishib yetila boshlagan davrda dorilanadi. Bu usul oradan 21 kun o‘tgach, takror qo‘llaniladi. Uzunligi 2-2,5 santimetr bo‘lib, sariq tuk bilan qoplangan, zaytun yashil barg qurti deya ataluvchi hasharot anchagina xavfli sanalib, u yangi chiqqan barg va o‘simliklarni yeb, mevalarga ham zarar yetkazishi mumkin. Agar u uchragudek bo‘lsa, iyunning yarmidan boshlab dorilash ishlari olib boriladi.

Bu tadbirlar ayni paytda paxta qurti, po‘stloq hasharotlari, zaytun bargi qurti singari hasharotlardan ham bir yo‘la xalos bo‘lish imkoniyatini beradi. To‘kilgan, zararlangan mevalar 0,5 m. chuqur qazib ko‘miladi. Meva terimidan so‘ng yana hasharotlar paydo bo‘lmasligi uchun bog‘ bostirib sug‘oriladi.

— Suhbatimiz davomida har bir xonadon o‘z bog‘iga hech bo‘lmasa, ikki-to‘rt tup zaytun eksa, ro‘zg‘orini sifatli moy bilan ta‘minlashi mumkin, degan xulosani aytib o‘tdingiz. Mevaning pishib yetilganini qanday bilish mumkin? Qanday yig‘ishtiriladi va yog‘i olinadi?

— Zaytun mevasini tuzlash rejalashtirilsa, rang olishdan avval uziladi. Bunda tarkibidagi ishqor ketgunicha sodali suvga solinadi va 4-5 kunda suvi almashtirib turiladi. Mevalar yaxshi to‘yinganda, tuzli suvga solib, bochkalarga bosqirtililadi.

Moy olish mo‘ljallanganda esa to‘liq pishib tim qora rangga kirganda qo‘lda, mashinada, maxsus moslamalarda, tayoq bilan qoqib, terib olinadi. Mevaning pishganini qo‘lga olib siqib ko‘rish orqali ham bilsa bo‘ladi. Agar siqilganda qo‘lda moy donachalari ko‘rinsa, demak, hosil g‘arq pishgan. Terilgan mevalar 4-6 foizli tuz

eritmasiga solib, soʻngra preslansa (siqilsa), moy toʻliq ajralib chiqadi.

Birinchi olingan moy eng sifatli mahsulot hisoblanadi. Mevalar oktyabrda toʻliq pishadi. Shunisi eʼtiborliki, pishib toʻkilgan mevalarda moy miqdori yuqori boʻladi.

— Zaytun subtropik oʻsimliklar sirasiga kiradi. Uni qishning sovugʻidan qanday asrash mumkin?

— Mutaxassislarimiz qayd etgan — hududimizda 105 yildan soʻng takrorlangan 2007 yilning qishki sovugʻidan buxorolik bir kishi bogʻidagi zaytun daraxtlarini sogʻ-salomat olib chiqibdi. Bugun nafaqat Surxondaryo, balki Andijon, Fargʻona viloyatlarida ham zaytunzorlar barpo etilmoqda. Uchkoʻprik tumanidagi «Mehrigiyo» fermer xoʻjaligida zaytun bargidan shifobaxsh damlamalar tayyorlan-yapti. Demak, ozgina eʼtibor, mehr bilan uni har qandayin ob-havo sharoitidan himoya qilish mumkin. Masalan, ota-bobolarimiz qoʻllagan oddiy bir usul — daraxt atrofini 15 santimetrlik qalinlikdagi goʻng bilan oʻrab qoʻyish ham izgʻirinda «qoʻrgʻon» vazifasini oʻtay oladi.

Zaytun moyi boshqa moylarga qaraganda organizmimizda 98 foiz hazm boʻladi. U dunyoda eng dorivor va sifatli moy sifatida tan olingan. Shunday ekan, zaytun ekaylik, uni mehr bilan parvarishlab, bu mehnat va uning rohatini farzandlarimizning ham qalbiga jo etaylik.

— Suhbatingiz uchun rahmat.

Oybuvi OChILOVA suhbatlashdi.<http://www.zaytunegrill.com>

